Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. № 10 (7751). 15 январь, 1982 йил • ЖУМА • Баҳоси 3 тийин

КУМИР САНОАТИ ИШЧИЛАРИ КАСАБА СОЮЗИ XIII СЪЕЗДИНИНГ ДЕЛЕГАТЛАРИ — КОН-ПРОХОДКА БРИГАДАЛАРИ БОШЛИҚЛАРИНИНГ СССР ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШ ЮЗАСИДАН ТАРМОҚДАГИ БАРЧА ПРОХОДКАЧИЛАРГА ВА КОН-ПРОХОДКА УЧАСТКАЛАРИНИНГ БОШЛИҚЛАРИГА

МУРОЖААТИ

МАМЛАКАТДАГИ барча кўмирчилар сингари биз, проходкачи бригадалар илғор коллективларининг намояндалари ҳам партия ва ҳукуматнинг шахтерлар ҳаёти тўғрисида қилаётган оталарча ғамхўрлигини зўр миннатдорчилик билан қабул қилмоқдамиз. Кончилик ишларининг ўз вақтида ривожлантирилиши ёқилғи қазиб чиқариш планларининг муваффақиятли бажарилишини кўп жиҳатдан белгилаб бераётганини биз яхши тушунамиз. Бу эса биз, проходкачилар зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

550 та тезкор бригада коллективи проходкачилар социалистик мусобақасининг олдинги сафида бормоқда. Улар меҳнатнинг илғор усулларини қўлланиб, кончилик техникасидан самарали фойдаланиб, 1981 йилда планга қўшимча равишда қарийб 120 километр қон қазидилар. Эллликта бригада бир ойда ўрта ҳисобда 350—500 метр тезликда кон қазишга эришди, улардан 24 таси эса бир йилда 5000 метр ва бундан ҳам кўпроқ кон қазиди. Донбассда Л. П. Махнев, Кузбассда А. Я. Хмелев, А. П. Шчербаков ва П. А. Шелудько, Қарағандада И. И. Фабер, сланец саноатида К. Э. Лайдвеэ ва Г. И. Федоров бошчилик қилаётган бригадалар энг яхши натижаларга эришдилар.

Шу билан бирга айрим бригадалар кон қазиш топшириқларини бажармаётганликлари оқибатида тозалаш майдони ўз вақтида тайёрланмаганлиги кейинги йилларда кўмир саноатининг қониқарсиз ишлаётганлигига кўп жиҳатдан сабаб бўлганини биз яхши тушунамиз.

Бизнинг коллективларимиз КПСС XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленумининг тарихий қарорларига ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу пленумда сўзлаган нутқига амал қилиб, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан кўмир саноати илғор участкалари ва бригадаларининг ватанпарварлик ташаббусини қўллаб-қувватлаб, 1982 йил учун ўз зиммаларига қуйидаги социалистик мажбуриятларни олдилар:

Донбассдаги «Ремовская» шахтасининг И. П. Кушнарев ва Челюскинчилар номли шахтанинг В. П. Соколов, Кузбассдаги «Зиминка» шахтасининг А. П. Денисов ва «Коксовая» шахтасининг П. А. Шелудько, Қарағандадаги «Северная» шахтасининг М. П. Курников бошчилик қилаётган бригадалари бўйича бир йилда 3500 метр ва бундан ҳам кўпроқ кон қазишлари;

Донбассдаги 3-шахта-проходка бошқармасидан Н. А. Вовченко ва 2-шахта қурилиши бошқармасидан А. Д. Дергачев, Кузбассдаги Новокузнецк шахта-проходка бошқармасидан Р. Н. Баталов ва С. Д. Нагорний бошчилик қилаётган бригадалар бўйича бир йилда 500 минг сўмлик ва бундан кўпроқ миқдорда қурилиш-монтаж ишлар ҳажми бажаришлари;

Донбассдаги «Гуковская» шахтасининг М. И. Авдиенко, Гагарин номли шахтанинг В. Ф. Каменев ва «Краснолиманская» шахтасининг Н. Е. Степин, Кузбассдаги «Зиряновская» шахтасининг П. К. Донских, «Суженская» шахтасининг М. А. Куранов, Уралдаги «Комсомольская» шахтасининг Ю. А. Лаптев, Печора ҳавзасидаги «Центральная» шахтасининг Н. А. Найденов бошчилик қилаётган бригадалари бўйича мураккаб геологик шароитларида белгиланган нормативларни 15—20 процент оширган ҳолда кўмирни жадал қазиб чиқариш таъминланади.

Биз тозалаш забойларини ўз вақтида ва сифатли тайёрлаш, юксак меҳнат унумдорлигини таъминлаш, кончилик техникаси ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш, материал ва энергияни тежаб-тергаб сарфлаш, мураббийлик ва турдош касбдаги кишилар ўртасидаги шартномалар асосида қолоқ коллективларга амалий ёрдам бериш мажбуриятини оламиз.

Биз ишлаб турган ва қурилаётган шахталар тайёргарлик участкаларининг барча проходкачиларига, кон мастерларига ва инженер-техник ходимларига мурожаат қилиб, уларни қон қазиш суръатларини ошириш, тозалаш забойлари линиялари ва янги горизонтларни ўз вақтида тайёрлаш учун, механизациялашган ҳар бир проходкачилик забойида ҳар ойда 200—500 метр тезликда кон қазишга, ҳар бир шахта қуриш бригадасининг бир йилда 500 минг сўм ва бундан ҳам кўпроқ маблағни ўзлаштиришига эришиши учун социалистик мусобақага актив қўшилишга чақирамиз.

Биз машинасозларга мурожаат қилиб, бизларни турли кон-геология шароитлари учун замонавий серунум проходка ва транспорт техникаси билан таъминлашни, етарли миқдорда запас қисмлар ишлаб чиқаришни, машина-ускуналарнинг сифати ва пишиқлигини оширишни улардан илтимос қиламиз.

Тармоқнинг барча проходкачиларини Касаба союзларининг XVII съездини ва СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга, 1982 йилни ва умуман ўн биринчи беш йилликни меҳнатда катта муваффақиятлар билан нишонлашга чақирамиз.

ОММАНИНГ ТАШКИЛОТЧИСИ БЎЛАЙЛИК

БЕШ ЙИЛЛИК иккинчи йилининг биринчи ойи. Кечаётган ҳар бир кунимизнинг, ҳар бир соатимизнинг суръатига, ҳаракатига, мазмунига разм солиб кўрайлик. Ўзгача шукуҳ, ўзгача кўтаринкилик, ўзгача интилишнинг гувоҳи бўламиз. КПСС XXVI съездининг тарихий қарорларини, улуғвор ўн биринчи беш йиллик режаларини бекаму-кўст амалга оширыш учун, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг шонли 60 йиллиги юбилейини муносиб кутиб олиш учун, КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1981 йил) Пленумида белгилаб берилган кенг кўламли вазифаларни шараф билан адо этиш учун азму-қарор қилган коммунистлар, барча меҳнаткашларимиз социалистик мусобақани тобора авж олдирмоқдалар, халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида ҳозирданоқ арзигулик ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Пировард салмоқли натижалар учун курашаётган меҳнат коллективларининг, зарбдор ҳафталикларда янги-янги марраларни забт этаётган пешқадамлар отрядининг олдинги сафларида ҳамиша бўлганидек жамиятимизнинг чинакам, букилмас ўзаги, жон-тани, омманинг ҳақиқий йўлбошчилари бўлмиш — коммунистлар бормоқдалар. Улар ўзлари ишлаётган жойларда новаторона ташаббусларнинг ижодкорлари бўлмоқдалар, бутун куч, тажриба ва маҳоратларини очилмаган резерваларни кидириб топишга, иш сифати ва самарадорлигини оширишга сарфламоқдалар, кундалик юмушда фидокорлик намуналарини кўрсатмоқдалар.

Тошкент трактор заводида 7-механика-йиғув цехининг созловчиси, КПСС XXVI съездининг делегати Муҳаммаджон Туробоев, шу цехнинг донгдор токари, Узбекистон Компартияси ХҚ съезди делегати Вера Ильинична Дубининани ҳамма яхши танийди. Зотан, улар ўн биринчи беш йилликни уч ярим йилда бажариш ташаббускорларидирлар. «Узбекшахтострой» трестида эса Д. Зазулин, А. Аннамуродов сингари коммунистлар қурилишда бригада пудрати усулини кенг ёйишнинг кашшофлари ҳисобланадилар. Бу икки азаматнинг қурилиш соҳасидаги бой тажрибалари СССР Халқ хўжалик ютуқлари кўргазмасида ўтган йили намойиш қилинди. Эндликда улар бир беш йилликда ўн бир йиллик ҳажмдаги ишларни бажариш бўйича рекорд кўйишмоқчи. Тошкент «Компрессор» заводининг тажрибали ишчиси, ёшлар мураббийси, оддий коммунист Турсун Қаюмовнинг фаолияти ҳам мақтовга сазовордир.

Урта Чирчиқ районидаги Терешкова номли колхоз бригада бошлиғи, район партия комитети бюроси аъзоси, Ҳурмат Белгиси ордени кавалери Малика Тўйчиева раҳбарлик қилаётган бригада коммунистлари бу йил кам ҳосилли ҳар гектар ердан 50 центнердан «оқ олтин» уйишга аҳду-паймон қилдилар. Тошкент районидаги «Узбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг моҳир сут соғувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мунаввар Исоқова яқинда «Уз қарамоғимдаги юз говмушнинг ҳар биридан йил охиригача 5700 литрдан ошириб сут соғиб оламан», — деб ваъда қилди. Паркент районидаги «Ленинобод» совхози директори Т. Ризаев редакциямизга йўллаган мактубида шундай деб ёзади: «Партия ташкилотимиздаги 134 коммунист катта кучдир. Биз ҳар бир коммунистнинг авангардлик ролини таъминлашга эришиш ниятидамиз. Чунки улар томонидан билдирилаётган янги-янги фикр ва мулоҳазалар хўжалигимиз фаблиятига, ишлаб чиқаришнинг тобора ривожланишига ижобий таъсир кўрсатаётир».

Худди шундай. Ленин партиясининг аъзоси деган муқаддас ном эгалари бўлган кишилар айнан шундай иш тутишлари, завод ва фабрикаларда, колхоз ва совхозларда, қурилиш участкалари ва ижодий лабораторияларда, таълим-тарбия масканларида ва саломатлик муассасаларида, маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари ва савдо шохобчаларида, хуллас, ҳамма ерда коммунистлар бошқаларга ўрнак бўлишлари керак, ҳалол ва виждонан меҳнат қилишда намуна кўрсатмоқлари лозим.

«Меҳнат коллективларидаги вазият, кайфият, демакки, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳам коммунистларнинг қандай ишлашига боғлиқ, — деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг 1981 йил ноябрь Пленумида. — Ҳар бир коммунист — бизда салкам ўн саккиз миллион коммунист бор — ўз участкасида бутун куч, тажриба ва билимини резерваларни кидириб топишга, меҳнат самарадорлигини оширишга сарфлайдиган бўлиши керак, меҳнатдаги фидокорликнинг муносиб намунасини кўрсатиши лозим».

Ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йили учун коллективлар томонидан қабул қилинаётган социалистик мажбуриятлар, шу йил ёҳуд келгусида ишга тушириладиган йирик саноат объектлари, пахтадан яна ҳам кўпроқ ҳосил кўтариш, қишлоқ хўжалиги бошқа маҳсулотларининг мўл-кўллигига эришиш, деҳқончилик маданиятини ошириш сингари улкан режалар халқ хўжалигимизнинг барча жабҳаларида банд бўлган коммунистларнинг авангардлик ролини яна ҳам оширишни тақозо этади. Бошланғич партия ташкилотлари ишни шундай ташкил этишлари керакки, коммунист ҳамма вақт ва ҳар ерда ўзининг юксак номини амалда оқласин, пешқадам бўлсин, сафдошларини, партиясизларни ўз орқаларидан эргаштира олсин. Партиянинг масъулиятли, тадбиркор, курашувчан, қиймичиликлардан чўчимайдиган актив жангчиларини вояга етказиш ва тарбиялаш — жойлардаги барча партия ташкилотларининг биринчи галдаги вазифасидир.

Областимиздаги тўрт мингдан ортиқ бошланғич партия ташкилоти ўз сафларида 170 мингга яқин КПСС аъзоси ва аъзоликка кандидатларни бирлаштириб турибди. Шу кунларда уларнинг диққат-эътиборини даставвал КПСС XXVI съезди, Узбекистон Компартияси XX съезди қўйган улуғвор вазифаларни оқилона ҳал этиш, ички имкониятлардан самарали фойдаланиш, тежамкорлик, ускуналар унумдорлигини ошириш, ксрофгарчиликка, хўжасизликка қарши муросасиз бўлиш, тўпланган қимматли тажрибаларни кенг ёйиш, қолоқларни илғорлар даражасига етказиб олиш каби масалаларга қаратмоқ мақсадга мувофиқдир.

Лекин шуни ҳам айтиш керакки, жойларда баъзи коммунистлар яхши ишлаш намунасини кўрсатмаяптилар, улар меҳнат қилаётган айрим цех, участка, ферма, бригадалар ойлик, квартал ёҳуд йиллик топшириқларини бажармаяптилар. Турдош корхона ёки қўшни хўжаликлардаги илғор тажрибаларни ўрганишда жонкуярлик қилмаётирлар. Коллектив ҳаётининг оммавий-сиёсий ва тарбиявий фаолиятига актив аралашмаётирлар.

Бундай ҳоллар билан асло келишиб бўлмайди. Партия ташкилотлари КПСС Уставини, партия ва давлат интизомини бузаётганларга нисбатан қат талабчанлик билан ёндошишлари, танқид ва ўз-ўзини танқидни дадил ривожлантиришлари даркор. Танқидий мулоҳазалар ва таклифларни, бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғинларида билдирилган фикр ва талабларни рўёбга чиқаришга кўпроқ эътибор берилиши керак. КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съездининг коммунистлар авангардлик ролини оширишга ҳамда уларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий турмушдаги активлигини ривожлантиришга оид қарорларини бажариш юзасидан Узбекистон Компартияси Самарқанд область комитетининг иши тўғрисидаги қарори коммунистларнинг ишчанлиги, масъулияти ва жавобгарлигини оширишда алоҳида роль ўйнаши керак.

КПСС XXVI съезди ўн биринчи беш йилликда ва умуман саксоннинчи йилларда халқ фаровонлигини янада юксалтиришнинг кенг программасини илгари сурди. Бу программа совет кишилари ҳаётининг ҳамма томонларини — истеъмол ва уй-жой, маданият ва дам олиш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашни ўз ичига олади. Шак-шубҳа йўқки, омманинг авангарди бўлмиш коммунистлар, областимизнинг барча меҳнат аҳли СССР таваллудининг 60 йиллигини планлар ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш билан, иш сифати ва самарадорлигини янада юксалтириш билан нишонлайдилар, юксак уюшқоқлик, ишчанлик, юқори интизомлилик, бутун кучни сарфлаб меҳнат қилиш маҳоратини кўрсатадилар.

СССР нинг 60 йиллигига 60 зарбдор ҳафта!

Чирчиқдаги «Ғунча» тикувчилик фабрикасининг Гулнора Бўлатова ҳамда Валентина Ростовцева сингари илғор ишчилари меҳнатда юқори натижаларга эришиб, бошқаларга намуна бўлмоқдалар. Фабрика коллективи СССР 60 йиллиги юбилейи арафасида пландан ташқари 10 минг дона турли тикув буюмлари тайёрланганлиги ҳақида рапорт беришга қарор қилди. Айни пайтда ана шу юксак натижага эришиш учун ўтказилаётган меҳнат мусобақасида Г. Бўлатова ва В. Ростовцевалар пешқадамлик қилмоқдалар.

В. Сироткин фотоси.

МАШИНАСОЗЛАР ҲИММАТИ

«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг цехларида ўтаётган зарбдор ҳафталикларда 10-механика йиғув цехининг ишчилари ўрнак бўлишмоқда. Бу цех ишчи-хизматчилари планга қўшимча кўплаб сеялка, кўрак чувиш, подбор териш машиналарини етказиб бердилар.

Ҳар ҳафталик планларни муттасил ошириб бажараётган Акбар Музаффаров, Иракли Пельтекис, Боря Соломохин, Жамол Файзиев, Виктор Завада, Зина Шошина, Тамара Давидова каби йиғувчи слесарлар беш йиллик голибларидир. Цехдаги асосий кўпчилик СССРнинг 60 йиллик байрамини 4 йиллик планни бажариб кутиб олиш учун аҳд қилган.

С. СУЛТОНОВ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

ПРОПАГАНДИСТЛАРГА МУКОФОТЛАР

КПСС Марказий Комитети марксизм-ленинизм ва КПСС сиёсатини пропаганда қилиш соҳасида кўп йил ва самарали ишлаганлиги учун пропагандистларни Ленин фахрий ёрлиғи ва стол устига қўйиладиган медаль билан мукофотлаш тартиби тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Камида ўн йил давомида пропаганда ишлари олиб бораётган ҳамда партия ўқишларининг юксак сифатли ва натижали бўлишига эришаётган, тингловчиларнинг коммунистик ғоявийлигини, актив ҳаётий позицияда туришини шакллантиришга муваффақиятли кўмаклашаётган пропагандистлар ва консультантлар ҳамда сиёсий маориф уйлари ва кабинетларининг ходимлари Ленин фахрий ёрлиғи ва стол устига қўйиладиган медаль билан мукофотланадилар.

Мукофотлаш тўғрисидаги қарорни иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари (областларга бўлинмаган), ўлка комитетлари, область партия комитетлари қабул қиладилар.

ЗАФАРЛАРИМИЗ—СССР ЮБИЛЕЙИГА

«УЗБЕКХЛОПКОМАШ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ 1982 ЙИЛГИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

«Узбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини турмушга татбиқ эта бориб, ўн биринчи беш йиллликнинг биринчи йили план топшириқлари ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажарди.

Бирлашма меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленумининг қарорларидан, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг пленумдаги нутқида баён этилган қоидалар ва хулосалардан руҳланиб ҳамда СССР ташкил топган кунинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, 1982 йил учун ўз зиммаларига қуйидаги социалистик мажбуриятларни оладилар:

ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик плани муддатидан илгари, 28 декабрда бажарилади. Ишлаб чиқариш ҳажми 1981 йилга нисбатан пландаги 6 процент ўрнига 6,5 процент кўпайтирилади. Пландан ташқари 800 минг сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинади.

Ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш, унинг техникавий даражасини ошириш, иш вақтидан оқилона фойдаланиш асосида меҳнат унумдорлигини 6,7 процент ўстириш таъминланади ва ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришнинг ҳаммасига шу йўл билан эришилади.

Йиллик топшириқдан ташқари 5 та ВТ тола тозалагич, 4 та СБО барабанли қуритгич, 5 та 4ТЛСБ лентали транспортёри, 10 та УМПЛ иш линтери камераси, 10 та Ц-7 вентиляторлари, пахта тозалаш машина-ускуналарининг 200 минг сўмлик запас қисмлари ва 50 минг сўмлик халқ истеъмол моллари тайёрланади. Машина-ускуналар ва запас қисмларнинг истеъмолчиларга комплекс тарзда узлуксиз етказиб берилиши таъминланади.

Пахта тозалаш машина-ускуналарининг 6 янги турини, шу жумладан 4ДП-130 маркали серунум жинлар ва 5ЛП линтерини ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. 3 турдаги маҳсулотга давлат Сифат белгиси берилишига эришилади ва ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида шу маҳсулотнинг салмоғи 18,6 процентга етказилади.

Янги техника юзасидан йилига 180 минг сўм иқтисодий наф берадиган 45 та ташкилий-техникавий тадбир, шу жумладан, жин колосникларини ишлайдиган автомат поток линия жорий этилади. Пахта тозалаш машина-ускуналарининг пишиқ-пухталигини ошириш мақсадида 25 турдаги деталга плазма қоплама бериш технологияси жорий этилади. Рационализаторлик таклифлари ва ихтироларни жорий этиш туфайли йилига камида 150 минг сўм иқтисодий наф кўрилади. Фан-техника тараққиёти ютуқларидан фойдаланиш, қўл меҳнатини механизациялаш асосида пландан ташқари 20 минг сўм фойда олинади.

220 минг киловатт соат электр энергия, 40 тонна шартли ёқилғи, 1340 тонна қора ва рангли металлар тежаб қолинади.

Меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада формаларига жалб этилган ишчилар 37 процентга етказилади.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига Сирдарё областининг «Фарғона» совхозида қурилаётган пахта заводи учун ЛХ-2 маркали янги поток линияни пландан ташқари етказиб бериш ва уни буюртмачига тайёр ҳолда топшириш таъминланади. 2 та цех, 5 та участка, 7 та бригада коллективлари ва 230 нафар ишлаб чиқариш илғори йиллик планни 20 декабргача бажариш мажбуриятини олди.

Коллективни иқтисодий ва социал ривожлантириш комплекс планига мувофиқ бош заводнинг Урганч шаҳридаги филиали ишга тушириладигаи ва унда 500 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади, 240 ўринли пионер лагери қуриб битказилади ва фойдаланиш учуч топширилади. 300 нафар янги ишчи тайёрланади, 430 нафар ишчининг, 200 нафар инженер-техник ходим ва хизматчининг малакаси оширилади, иқтисодий билим мактабларида 600 кишига таълим берилади.

Ердамчи хўжаликларни ривожлантириш иши давом эттирилади, шу ҳисобдан бирлашма меҳнаткашларига 5 тонна гўшт, 60 тонна картошка ва сабзавот сотилади.

Сирдарё областининг Ильич райони тайёрлов пунктларига ва пахта завозларига техника ремонтида, зарур запас қисмлар ва асбоблар билан таъминлашда оталиқ ёрдами берилади.

Мажбуриятлар бирлашма цехлари ва корхоналари коллективларининг йиғилишларида муҳокама этилиб, қабул қилинган.

ЯНГИЙЎЛ МЕБЕЛЬ ФАБРИКАСИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1982 ЙИЛГИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Фабрика ишчилари ва хизматчилари партия XXVI съезди қарорларини амалга ошира бориб, ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленумидаги кўрсатмаларига амал қилиб, 1982 йил ва ўн биринчи беш йиллик планини муддатидан илгари бажариш, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдириб юбордилар ва ўз зиммаларига қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қилдилар:

ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини янада ошириш, меҳнатни ташкил этишни ва бошқаришни такомиллаштириш асосида товар маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан 1982 йилги планни 22 декабрда муддатидан илгари бажариш ва пландан ташқари 360 минг сўмлик, жумладан 100 минг сўмлик болалар мебели ишлаб чиқариш таъминланади.

Буюмларнинг 5 та янги турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилади, сифат белгиси қўйилган маҳсулотларнинг ҳажми 35 процентга етказилади. Кенг истеъмол ва хўжалик моллари ишлаб чиқариш 1981 йилдагига нисбатан уч баравар кўпайтирилади.

Сермеҳнат жараёнларни механизациялашга оид ишлар давом эттирилади. Товар маҳсулоти ўсишининг камида 85 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилади.

Мебель қирраларига фанер қоплайдиган иккита станок, 560 погон метр рольган ўрнатилади. Рационализаторлик таклифларини жорий этишдан камида 50 минг сўмлик иқтисодий самара олинади. Ҳар бир иш жойида тежамкорлик режими кучайтирилади, 19 минг киловатт-соат электр энергия, 30 тонна шартли ёқилғи, 400 куб метр ёғоч-тахта иқтисод қилинади ва тежаб қолинган хом ашё ҳамда материаллар ҳисобига 8 кун ишланади.

Барча цехларда маиший хоналар, дам олиш хоналари жиҳозланади. Бу йил пионер лагери ва дам олиш зонаси қурилишида иштирок этилади. 150 нафар янги ишчи тайёрланади ва 560 мебелсознинг малакаси оширилади, ходимлардан 8 киши олий мактабларга ўқишга юборилади.

Мажбуриятлар Янгийўл мебель фабрикаси коллективининг умумий йиғилишида муҳокама этилиб, қабул қилинган.

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

ТОШКЕНТ область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети 1982 йил ҳосили учун кузги-қишки ишлар комплексини ўз вақтида ва юқори сифатли ўтказиш юзасидан районлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг шу йилнинг январь ойи биринчи ўн кунлиги якунларини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди.

Ғалаба районига (район партия комитетининг секретари Ҳадралиев, район ижроия комитетининг раиси Қаримов, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси Қуттибоев, район комсомол комитетининг секретари Абдухолиқов ўртоқлар). Бу районда 1982 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирларни ўтказишда энг юқори суръатларга эришилган ҳамда маҳаллий ўғит жамғариш ва уни далага солиш календарь топшириғи 140 процент, чигитни пуштага экиш учун эгатлар олиб қўйиш топшириғи 102 процент, хўжалик ички суғориш шохобчалари ва коллектор-дренажларини тозалаш ўн кунлик топшириғи 140 процент, насос куч агрегатларини ремонт қилиш топшириғи 119 процент, ҳамма маркадаги тракторларни ремонт қилиш топшириғи 195 процент, ҳайдов тракторларини ремонт қилиш топшириғи 136 процент, пахта териш машиналарини ремонт қилиш топшириғи 100 процент, дон комбайнларини ремонт қилиш топшириғи 120 процент, дағал озуқани майдалаш топшириғи 114 процент, сомонни буғлаш топшириғи 104 процент, сунъий сут тайёрлаш топшириғи 150 процент бажарилган.

Байроқ Чиноз районидан олиб берилади.

Сабзавотчиликка ихтисослашган Бўстонлиқ районига (район партия комитетининг секретари Ҳайдуров, район ижроия комитетининг раиси Аҳдарқулов, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси Молдибоев, район комсомол комитетининг секретари Оқилов ўртоқлар). Бу районда 1982 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирлар комплексини ўтказишда энг юқори суръатларга эришилган ҳамда органик ўғит жамғариш ва далага солиш календарь топшириғи 200 процент, сабзавот экинлари экиш топшириғи 100 процент, боғлардаги мева дарахтларини буташ ва уларга шакл бериш топшириғи 101 процент, токзорларда кўчат хатоси ўрнига янгисини экиш топшириғи 100 процент, хўжалик ички суғориш шохобчалари ва коллектор-дренажларини тозалаш топшириғи 120 процент, насос-куч агрегатларини ремонт қилиш топшириғи 200 процент, ҳамма маркадаги тракторларни ремонт қилиш топшириғи 100 процент, ҳайдов тракторларини ремонт қилиш топшириғи 100 процент, суюқ озуқа аралашмаси тайёрлаш топшириғи 160 процент, дағал ҳашакни майдалаш топшириғи 106 процент, сунъий сут тайёрлаш топшириғи 186 процент бажарилган.

Байроқ Калинин районидан олиб берилади.

1982 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирларни ўтказишда Оққўрғон, Чиноз, Калинин районларида яхши иш олиб борилганлиги қайд этилди.

1982 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирларни ўтказишда Пискент, Янгийўл ва Оҳангарон районларида сусткашликка йўл қўйилаётганлиги кўрсатиб ўтилди.

Область план бўлимига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун Ғалаба ва Бўстонлик районларига биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

ТЕЗ, СОЗВА БИР МАРОМДА ҚУРАЙЛИК

ОБЛАСТИМИЗ қурилиш, монтаж ва лойиҳалаш ташкилотлари, бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналари коллективлари КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошира бориб, 1981 йилда зиммага олинган социалистик мажбуриятларни бажаришда маълум ютуқларни қўлга киритдилар. Ўтган йили 1 миллиард 120 миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилди. Натижада қатор янги ишлаб чиқаришлар ва цехлар қурилди ёки мавжудлари тубдан реконструкция қилинди. 1980 йилдагига қараганда 13 процент кўп қурилиш-монтаж ишлари бажарилди ва капитал маблағлар ўзлаштирилди.

Газалкент ГЭСида 2 та энергоблок сифатли қурилиб фойдаланишга топширилди. Олмалиқ кон-металлургия, Ўзбекистон металлургия комбинатларида, Чирчиқ иссиқка чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинатида янги қувватлар, Олмалиқ химия заводида ҳар йили 450 минг тонна олтингугурт кислотаси ишлаб чиқарувчи қурилма, Ангрен керамика комбинатида йилига 1 миллион 800 минг квадрат метр керамика плиталари ишлаб чиқарувчи қувватлар барвақт ишга туширилди.

Наримонов шаҳрида сув тўсқич арматура ва стандартлашмаган асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчи, Ўрта Чирчиқ районининг Юбилей посёлкасида йирик панелли уйсозлик, Тошкент шаҳрида бортоснастка ва металл хаслари заводлари қурилди. Қабул қилинган мажбуриятга мувофиқ Чирчиқ шаҳрида сут заводи, «Ўртоқ» кондитер фабрикасининг Олмалиқдаги филиали ва халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарувчи объектлар мудатидан илгари фойдаланишга топширилди ва маҳсулот бермоқда.

Ўтган йили социал-маиший қурилишни ривожлантиришда янги йирик қадам қўйилди. 1 миллион 144 минг квадрат метр саҳнли уй-жойлар, 25,7 минг ўқувчига мўлжалланган мактаблар, 7,4 минг ўринли мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, 880 ўринли касалхоналар, 2175 бемор қатнашига мўлжалланган поликлиникалар, қатор маданий-маиший хизмат кўрсатувчи объектлар ишга туширилди.

Область қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш базаси анча мустаҳкамланди. Озиқ-овқат программасига мувофиқ 1981 йилда бу тармоқни ривожлантиришга 230 миллион сўм ёки 1980 йилдагига нисбатан 12 процент кўп капитал маблағ сарфланди. Шу ҳисобдан янги чорвачилик ва паррандачилик комплекслари қурилди, Оҳангарон сув омборининг ҳажми 19 миллион куб метр ортди, 2800 гектар янги суғориладиган ерлар фойдаланишга топширилди.

Тез, тежамли ва юксак техника асосида қуриш-капитал қурилишида юксак самарадорликни таъминловчи бу омиллар областимиздаги кўпчилик қурилиш коллективлари ишининг нормаси бўлиб қолди. «Узбекшахтострой», «Алмалиқсвинецстрой», Чирчиқдаги 160, «Тоштракторострой», «Висотстрой», «Тошметрострой», «Тошоблколхозстрой», «Тошблсельстрой» трестлари, Янги Ангрен ГРЭСи ва «ЧарвакГЭСстрой» қурилиш бошқармалари ўз социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар.

Ангрен, Чирчиқ, Наримонов, Янгийўл шаҳарларида, шунингдек Оққўрғон, Бекобод, Бўка, Бўстонлиқ, Паркент ва Тошкент районларида капитал қурилиши бўйича барча асосий кўрсаткичлар бажарилди.

Лойиҳалаш институтлари, бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси ходимлари ҳам бинокорлар ва монтажчилар билан биргаликда 1981 йил топшириқларининг бажарилишига катта ҳисса қўшдилар.

Областимиз қурилишларида қурилиш ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор форма ва усуллари, биринчи навбатда бригада пудрати кенг ёйилди. Ҳозирги вақтда бу усул билан область бўйича қурилиш-монтаж ишлари ҳажмининг 60 процентига яқини амалга оширилмоқда. Бу йиннчи беш йилликнинг охиридагига нисбатан уч баравар кўп дир.

Қурилишда меҳнат унумдорлиги 1980 йилга нисбатан 3,5 процент ортди. Қурилиш-монтаж ишлари ҳажми ортишининг 70 проценти шунинг ҳисобига таъминланди.

Капитал қурилишига раҳбарлик бўйича доимий штаблар қурилиш суръатларини ошириш ва сифатини яхшилаш, қурилиш ишлаб чиқаришини такомиллаштириш ва капитал маблағларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан ишларга бош-қош бўлдилар.

Агар областимиздаги барча шаҳарлар ва районлар, барча қурилиш ва монтаж коллективлари давлат планлари ва ўз социалистик мажбуриятларини бажарганларида ютуқлар янада салмоқли бўларди. Тошкент, Олмалиқ шаҳарларида, Ғалаба, Калинин, Оржоникидзе, Ўрта Чирчиқ, Чиноз ва Янгийўл районларида капитал маблағ сарфлаш ва қурилиш-монтаж ишлари планлари бажарилмай қолди.

Ўтган йили қурилишда қурилиш-монтаж ишлари объектлари билан материал-техника таъминотида номувофиқликларга йўл қўйилди, буюртмачи асбоб-ускуналар ва махсус материалларни ҳар доим ҳам ўз вақтида етказиб турмади. Объектларнинг кўпчилигини йил охирида фойдаланишга топшириш планлаштирилган эди. Бу штурмчилиққа, қурилиш сифатининг пасайишига олиб келди.

План ва таъминот органлари, қурилиш ва монтаж ташкилотлари 1981 йилда йўл қўйилган камчиликларни ҳар томонлама таҳлил қилишлари, қурилиш конвейери бир маромда ишлаши учун барча чораларни кўришлари лозим. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Планлаштиришни яхшилаш ва хўжалик механизмининг иш самарадорлиги ва сифатини оширишга таъсирини кучайтириш ҳақида»ги қарорида бинокорлар ишини яхшилашнинг аниқ йўллари кўрсатиб берилган.

Ўн биринчи беш йиллик бошидан бошлаб капитал қурилиши бўйича янги, анча прогрессив кўрсаткичлар белгиланди. Эндиликда қувватлар ва объектларни фойдаланишга топшириш планининг бажарилиш натижалари, товар қурилиш маҳсулоти (буюртмачига топширилган қувватлар ва объектлар бўйича қурилиш-монтаж ишларининг сметадаги қиймати), меҳнат унумдорлиги ва фойданинг ортиши бўйича қурилиш ва монтаж ташкилотлари хўжалик фаолиятига баҳо берилади, моддий рағбатлантириладн. Қурилиш ташкилотлари фаолиятига баҳо беришнинг янги усули қўшимча манфаатдорликни вужудга келтиради ва у 1981 йилдаёқ ўзининг ижобий ролини ўйнади.

Капитал қурилишида ишни яхшилаш бошланғич партия ташкилотлари, барча коммунистлар ва ҳар бир бинокорнинг муҳим вазифасидир. КПСС Марказий Комитетининг 1981 йил ноябрь Пленуми, Ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумдаги нутқида баён этилган хулосалар ва қоидалар шунга даъват этади.

Областимиз бинокорлари эндигина беш йилликнинг биринчи босқичидан ўтилганлигини яхши тушунадилар. Улар 1982 йилда катта ҳажмдаги ишларни амалга оширишлари лозим. Областимизда капитал маблағлар сарфлашнинг умумий ҳажми 7 процент ортади.

Ҳаммага маълумки, 1982 йил учун план ишлаб чиқилаётганда асосий фондларни капитал ҳаражатларни ўстиришга қараганда жадал ишга туширишга назарда тутилган. Бунда мавжуд моддий ва меҳнат ресурслари, шунингдек, тугалланмаган ишлаб чиқаришлар ҳажми кўпроқ ҳисобга олинди. Шунинг учун ҳам ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш, қурилиш сифатини яхшилаш, объектларни бир маромда фойдаланишга топшириш муҳим вазифа бўлиб қолди. Бунга меҳнатнинг прогрессив усулларини, самарали материаллар ва конструкцияларни кенг қўлланиш, сермеҳнат жараёнларни механизациялаш, бекор туриб қолишларни қисқартириш ва иш вақтининг йўқотилишини бартараф этиш билан эришиш мумкин.

Фан-техника тараққиётини белгиловчи корхоналарни реконструкция қилиш ва техник жиҳатдан қайта ускуналаш бундан бўён ҳам кенг миқёсларда олиб борилади. Жумладан, Олмалиқ кон-металлургия ва Ўзбекистон металлургия комбинатлари, Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон иссиқка чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинати, Тошкент трактор заводи ва бошқа корхоналарда объектлар жадал қурилди. Янги Ангрен ГРЭСи қурилишида иш ҳажми ортади. Ҳаммаси бўлиб капитал маблағларнинг 70 процентдан ортиқроғи ишлаб чиқариш қурилишига, реконструкция қилиш ва техника жиҳатдан қайта ускуналашга сарфланади.

Қишлоқда катта ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишлари бажарилади. Паркент канали ва Оҳангарон сув омбори қурилиши, янги ерларни ўзлаштириш давом эттирилади. Гўшт ва сут етиштирувчи қатор чорвачилик комплекслари, паррандачилик фабрикалари қурилади. Бу йил асосан Чиноздаги аралаш емхашак заводи қурилиши тугалланади.

Аввалги йиллардагидек уй-жой қурилиши кенг миқёсларда олиб борилади. 1982 йилда салкам 1,2 миллион квадрат метр саҳнли уй-жойлар қуриш назарда тутилмоқда. Ончагина маблағ шаҳар хўжалигини ривожлантиришга сарфланади, шаҳарлар, район марказлари ва посёлкаларнинг ободонлашиш даражаси ортади.

Қурилишнинг ишлаб чиқариш базаси мустаҳкамланаверади. 1982 йилда Олмалиқ ва Тошкентда уйсозлик комбинатлари қурилиши назарда тутилади. Чирчиқ уйсозлик комбинати реконструкцияси давом этади.

Қурилиш ва монтаж ташкилотлари коллективлари 1982 йилда планлар ва социалистик мажбуриятларни бажариш учун ҳар бир бригада, қурилиш бошқармаси, трестда юксак талабчанлик, уюшқоқлик, ишга ижодий муносабатда бўлиш вазиятини вужудга келтиришлари керак.

Ҳозирги вақтда қурилиш ва монтаж трестлари раҳбарлари 1982 йил планларини яна бир бор синчиклаб кўриб чиқишлари, ёрдамчи пудратчилар билан ўзаро алоқани тартибга солишлари, моддий-техника ва ишчи кучи ресурсларини қурилиш ҳажмига монанд бўлишига эришишлари лозим. Қурилиш бригадаларига йил бошиданоқ планлар ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажаришлари учун зарур шароитлар яратилиши муҳимдир. Шу билан бирга коллективларнинг қуч-ғайратини зарбдор меҳнат қилишга сафарбар этиш, мавжуд резервларни ишга туширишга эришиш зарур.

Бригада хўжалик ҳисоби қўйилган мақсадга эришишда бинокорларга беқиёс ёрдам берувчи воситадир. Уни қўлланиш план топшириқларини қисқа муддатларда ва энг кам меҳнат сарф қилиб бажариш имконини беради.

Мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг асосий йўна ишларида инженерлик тайёргарлиги ва ишлаб чиқариш-технологик комплектация даражасини ошириш негизида узлуксиз поток бригада пудратини ҳар ҳил томонлама оммалаштириш учун шароитларни вужудга келтириш вазифаси қўйилган. Бу прогрессив иш усулининг жорий этилишига ҳар томонлама ёрдам бериш партия ва касаба союз ташкилотларининг муҳим вазифасидир.

КПСС XXVI съездида тежамкорлик режимини кучайтиришга алоҳида эътибор берилди. Агар ҳар бир коллективда бинокорлик материалларини тежаб-тергаб сарфлаш учун кураш авж олдирилса, қурилиш самарадорлиги муттасил ортиб боради. Область қурилишларида металл, цемент, конструкциялар, ғишт, пардозлаш материаллари ҳали ҳам кўплаб исроф бўлмоқда.

Бракка, бинокорлик материаллари, конструкцияларнинг ишдан чиқишига йўл қўяётган шахсларга нисбатан қаттиқ чоралар қўриш лозим. Халқ назоратчилари қурилишда тежамкорлик билан кенг шуғулланишлари мумкин. Улар хўжасизлик ва талон-тарожларга қарши қатъий кураш олиб боришлари лозим.

Областимиз бинокорлари ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилида олдиларига қўйилган вазифаларни бажаришга азму қарор қилганлар. Бунинг учун зарур бўлган барча имкониятлар — ишбилармон кадрлар, илғор тажриба, мустаҳкам ишлаб чиқариш базаси мавжуд. СССРнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани янада авж олдириш партия комитетлари, бошлангич партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг бурчидир.

Тез, соз, замонавий техника асосида қуриш — бу талаб ҳар бир меҳнат коллективининг шиори бўриб қолмоғи лозим.

В. ГОРДИЕНКО,
Тошкент область партия комитети қурилиш бўлими мудири.

● ТОШКЕНТДАГИ якка буюртмалар ва кийимлар ремонти ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-модалар ательесида технологик жараёнларни тўла реконструкциялаш иши тугалланди. Ишчи-хизматчиларнинг меҳнат унумдорлигини янада ошириш учун қулай шарт-шароитлар вужудга келтирилди. Коллектив бу йил ўтган йилдагига қараганда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳажмини 5,6 процент оширади. Суратларда: диспетчер Ш. Сафарова буюртмачиларга мавсумий либослар тиктиришда маслаҳат бермоқда (юқорида). Пастда ишлаб чиқариш участкаларидан бирида.

Р. Шамсуддинов фотолари. (ЎзТАГ).

СУРУНКАСИГА 12 МАРТА

«Чирчиқсельмаш» заводи цехлариаро социалистик мусобақада 15 цех коллективи 1981 йил голиби деб топилди ва биринчи пул мукофоти билан тақдирланди. Ўтган йили ўн икки ой сурункасига кўчма Қизил байроқни қўлдан бермай келган илғорлар йил давомида пландан ташқари 50 минг сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга, сифатни кескин яхшилашга ва меҳнат унумдорлигини оширишга муваффақ бўлдилар.

— Бундай зафарга эришишимизнинг асосий сабаби,— дейди цех бошлиғи Э. Генрих, —меҳнатни илмий асосда ташкил этишга эътибор кучайтирилганидадир. Цехдаги барча иш конвейер усулига ўтказилди. Қатор техник янгиликлар киритилди. Оғир қўл меҳнатини талаб қилувчи қатор жараёнлар механизация зиммасига юклатилди.

Бундан икки йил муқаддам цехда жамоатчилик асосида тузилган ижодий группа ҳамон самарали изланишлар олиб боряпти. Бирор квартал йўқки, бу ерда бирон янгилик ёки новаторлик таклифи ишлаб чиқаришда қўлланилмаса. Яқин кунларда яна бир янги ярим автоматлашган линия жорий этилади.

Пешқадамликни қўлдан бой бермаётган коллектив СССР ташкил топган кунинг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақани қизитиб яна ҳам самарали меҳнат қилмоқда. Цехнинг Ғафуржон Закиряев, Иван Уваров, Сафо Маганов, Мутал Ҳамидов, Хорис Абулбаров, Рўзибой Юсупов сингари илғор ишчилари кунлик нормаларини бир ярим баравардан бажариб, ҳаммага ўрнак бўлишмоқда.

Б. СОЛИХОВ.

ЁЗ НЕЪМАТИ ҚИШ ДАСТУРХОНИГА

ТОШКЕНТ РАЙОНИДАГИ «ЛЕНИН ЙЎЛИ» КОЛХОЗИ ДЕҲҚОНЛАРИНИНГ ТЕПЛИЦАДА САБЗАВОТДАН МЎЛ ҲОСИЛ ЕТИШТИРИШ СОҲАСИДАГИ ИШ ТАЖРИБАСИДАН

ТОШКЕНТ область меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошира бориб, кейинги йилларда теплица хўжаликларида сабзавот маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтирдилар. Теплицалардаги экин майдони 1975 йилдагига нисбатан 79 гектар кўпайиб, 116 гектарга етди. Бу давр ичида маҳсулот етиштириш 6 минг тоннага ёки 40 процентга кўпайди. Область бўйича ҳар квадрат метр теплица майдонидан йиғиштириб олинаётган ҳосил 8,5 кил ограммдан 13 килограммга етди.

Тошкент районидаги «Ленин йўли» колхози меҳнаткашлари бу соҳада, айниқса, юқори кўрсаткичларга эришдилар. Бу ерда сабзавот экинларини парвариш қилиш илғор технологиясини жорий қилиш ҳисобига ҳар йили бир маромда юқори ҳосил олиниб, ялпи маҳсулот ортиб бораётир.

Колхоз деҳқонларининг бой иш тажрибасини Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети маъқулладн.

ХЎЖАЛИКНИНГ теплицада меҳнат қилаётган сабзавоткорлари аҳолини қиш ва эрта қўклам кезларида сарҳил сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилаш борасида кейинги йилларда қатор тадбирларни амалга оширдилар. Агар 1975 йилда колхозда теплица майдони 1,5 гектарни ташкил этиб, ҳар квадрат метрдан 15,3 килограммдан жами 230 тонна маҳсулот етиштирилган бўлса, ҳозирги кунда бу майдон 9,6 гектарга кенгайди. Шундан 7,9 гектари ойнавандли ва 1,7 гектари енгил типдаги теплицадир.

Теплицада сабзавот етиштиришнинг илғор технологиясини, фан ва техника ютуқларини кенг жорий этиш ҳисобига ялпи маҳсулот кўпайиб, унинг сифати ва олинаётган фойда ортиб бораётир.

1980 йилда колхоз 1954 тонна ёки 1975 йилдагига нисбатан 8,5 баравар кўп сабзавот етиштирди. Ҳар квадрат метр майдондан 21,5 килограммдан ҳосил йиғиштириб олинди. Шу жумладан, бодринг ҳосилдорлиги 23,6 килограмм, помидор ҳосилдорлиги 17,1 килограммни ташкил этди. Шу давр ичида, умуман, ҳосилдорлик 6,2 килограммга кўпайди.

Ҳўжаликдаги илғор сабзавоткорларнинг иш тажрибалари маҳсулот етиштиришни кўпайтиришда ҳали катта резервлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Масалан, 1981 йилда Ҳакима Раҳимова, Муҳаббат Мирсаидова, Мактуба Эрматова, Марҳамат Абдуллаева ва Муҳаррам Анваровалар ҳар квадрат метр майдондан 27—29 килограммдан ҳосил йиғиштириб олдилар.

Колхоз 1980 йилда теплица маҳсулотларини реализация қилишдан жами 765,5 минг сўм ёки ҳар гектар майдондан 84,1 минг сўм соф фойда олди.

Ўтган йили колхоз теплицада 2 минг тонна маҳсулот ёки ҳар квадрат метрдан 22 килограммдан ҳосил йиғиштириб олинди. Бу планда белгиланганидан 10,7 килограмм кўпдир.

Ўн биринчи беш йилликнинг охирига бориб, ҳосилдорликни 25 килограммга етказиш мўлжалланмоқда.

1980 йилда бир центнер теплица маҳсулотининг таннархи 55,7 сўмни ташкил этди. Бу пландагидан 23,3 сўм кам бўлиб, 1975 йилдагига нисбатан эса 2,4 баравар арзондир.

Колхоз 1976 йилда ярим гектар майдонга лимон дарахти кўчатлари ўтказган эди. Ўтган йили шу лимон зорлардан 80 центнерга яқин ҳосил олинди.

Деҳқончилик маданиятини тинмай ошириб бориш, колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигини янада юксалтириш, агротехника талабларига оғишмай амал қилиш теплица майдонларидан мунтазам юқори ҳосил олишнинг бош омили бўлаётир.

Колхоз теплицасида қўйидаги ташкилий-хўжалик тадбирлар комплекси амалга оширилмоқда.

Иситиш мавсуми тугагач, буғ қозонларини, барча механизмлар, электр приборларни ва автомат линияларини ремонт қилишга киришилади. Ҳосил йиғиштириб олингач эса, экин туплари юлиб ташланиб, теплица хоналари гексохлор шашкаси ёрдамида дезинфекция қилинади. Бунинг учун хоналарнинг эшик ва деразалари зич ёпилади ва 6—7 сутка давомида препарат дудланади. Ерларни ҳайдаш олдидан ҳар квадрат метрга 30 килограммдан гўғ ва гектар ҳисобига 1,5 тоннадан суперфосфат солинади.

Икки ярусли плуг билан 35 сантиметр чуқурликда ҳайдалган ерлар июль давомида яхшилаб қиздирилади ва қисман стерилизация қилинади. Экин экишдан аввал ерлар ағдарилмасдан яна қайта ҳайдалади ва сифатли текисланиб чуқур эгатлар тортилади. Бодринг эгатлари 70х30 сантиметр, помидор эгатлари 70х35 сантиметр кенгликда олинади. Ана шунда бир гектар майдоида ўртача 41 минг туп помидор ва 47 минг туп бодринг кўчати бўлади.

Помидор кўчати етиштириш учун уруғлик 20 июлда сепилади. 20 августдан эса экишни бошлаб, 25 августда тугатилади. Бодринг уруғи эса тупроққа 1—5 август оралиғида сепилади. Бодринг ва помидорнинг «Узбекская-740», «Майковский урожайний» элита навли урувларидан фойдаланилади.

Помидордан бир марта, бодрингдан эса икки марта яъни кузги-қишки, ҳамда қишки-кўкламги даврда ҳосил олинади.

Теплицада органик ва минерал ўғитлардан самарали фойдаланишга катта эътибор берилади. Тупроқ таркиби мунтазам анализ қилиб борилиб, экинлар шунга кўра озиқлантирилади. Ўсиш даврида ҳар квадрат метр ерга қўшимча камида 20—25 килограммдан гўғ солинади. Ҳар сафар суғоришдан олдин органик ўғит берилади.

Бодринг кузги-қишки даврда 10—12 марта, қишки-кўкламги даврда эса 16—18 марта суғорилади.

Экинларни парвариш қилишда хоналардаги иқлим шароитини бир маромда ушлаб туришга ҳаракат қилинади. Ҳаво очиқ кунлари ҳарорат 25—28, булутли кунларда 20—22, тунда эса 18—20 даража бўлади. Ҳароратнинг 13—15 даражага тушиб қолишига йўл қўйиб бўлмайди. Чунки, экин камқувват ва касалликка тез чалинувчан бўлиб қолади. Агар хоналардаги ҳарорат 15 даражадан паст ёки 35 даражадан юқори бўлса, экин ҳосил тугмайди. Помидор экилган хоналарда ҳавонинг намлиги 60—65 процент, бодринг экилган хоналарда 90—95 процент бўлиши керак.

Маълумки, қишлоқ хўжалик зараркунандалари ҳосил кушандалари ҳисобланади. Шунинг учун ҳам уларга қарши тинимсиз кураш олиб бориш муҳимдир. Теплица хўжалиги ўзининг биолабораториясига эга. Зараркунанда ҳашоратларга қарши биологик усулда кураш олиб борилади. Оқ капалак ва ўргимчакканага қарши эса олтингугурт билан ишлов берилади.

Помидор ва бодринг тупларини ўз вақтида сифатли шакллантириб олиш мўл ҳосил етиштиришнинг асосидир. Шунинг учун «Узбекский-740» навли бодрингнинг ўрта палаги 17—20 барг, ён палаклари эса биринчи, иккинчи барги қолдирилиб учлари чилпиб ташланади. Агар ён палакларида ҳосил тугунчалари бўлмаса, улар бутунлай олиб ташланади. Помидорнинг палаги ўсиб кетмаслиги учун 7—8 бўғин қолдирилиб чилпилади. Биринчи бутундаги ҳосил йиғиштириб олингач, пастки барглари юлиб ташланади.

Пишиб етилган ҳосилни ўз вақтида йиғиб-териб олиб, реализация қилиш ҳам ҳосилдорликни оширишда муҳим роль ўйнайди. Теплица хўжалигида йил сайин мўл ҳосил етиштириш меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлаш форма ҳамда системаларини такомиллаштириш имконини бераётир. Бу ерда ҳар бир мастер-сабзавотчига минг квадрат метр ер бириктирилиб қўйилиб, ҳар бир давр учун алоҳида ишлаб чиқариш планлари белгиланади. Меҳнатга аккорд-мукофот усулида ҳақ тўланади. Ҳар бир мастер бир ойда 120 сўмдан оклад усулида маош олиб боради. Йил охирида эса планга қўшимча топширган маҳсулотнинг 50 проценти миқдорида қўшимча ҳақ олади.

Меҳнатга бундай усулда ҳақ тўлаш коллектив ҳар бир аъзосининг моддий манфаатдорлигини ошириб, маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга ҳизмат қилаётир. Ўтган йили коллектив аъзоларининг ўртача ойлик маоши 348 сўмни, илғорларини эса 420—440 сўмни ташкил этди.

Колхозда социалистик мусобақа кенг йўлга қўйилган. Экинларга ишлов бериш агротехникасини ўз вақтида сифатли ўтказиб, мўл ҳосил етиштирган ва катта иқтисодий самарага эришган сабзавоткорлар социалистик мусобақа голиби деб топилиб, қимматбаҳо эсдалик совғалари, диплом ва Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланадилар.

ЁШЛАР ТАШАББУСИ БАРҚ УРСИН

КОМСОМОЛ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВ

Ўтган йили Бекобод район хўжаликлари 72 минг 600 тонна «оқ олтин» етиштириб Ватанга армуғон қилдилар. Қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам тилга олса арзигулик кўрсаткичларга эришилди. Ҳозир меҳнат коллективлари ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилини ҳам юксак натижалар билан нишонлаш учун кураши тобора қизитмоқдалар.

— Районимиз аҳолисининг 60 процентдан ортиғини ёшлар ташкил этади, — деди ўз ҳисобот докладида район комсомол комитетининг биринчи секретари М. Расулов, — Комсомол-ёшларнинг жуда катта қисми ишлаб чиқаришда меҳнат қилиб, ўн биринчи беш йиллик план ва топшириқларини ошириб бажаришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Хусусан, ўтган йили 2 мингдан ортиқ йигит-қиз ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йили план ва мажбуриятларини муддатидан анча илгари бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар.

Ҳисобот даврида ёшлардан кўплаб меҳнат илғорлари, ишлаб чиқариш новаторлари етишиб чиқди. Аввалги конференциядан кейинги ўтган даврда комсомол-ёшлар коллективлари сони кескин кўпайди. Икки йил илгари 48 та шундай коллектив бор эди. Ҳозир эса пахтачилик соҳасининг ўзида 55 та ёшлар коллективи фидокорона меҳнат қилмоқда. Улар ўтган йили 4303 гектар ерда деҳқончилик қилиб, ҳосилдорликни ўртача 36 центнерга етказдилар. Давлатга 15490 тонна пахта сотдилар.

Ёшлар доимо янгиликларни, ташаббусларни тез илғаб оладилар. Бекободлик йигит-қизлар орасида йилдан-йилга эллликцентнерчилик ҳаракатига қўшилган комсомол-ёшлар кўпайиб бормоқда. Ленин номли колхоздан Жўрабой Оллоназаров, «КПСС XXV съезди» совхозидан Нуриддин Аъзамовлар бошчилик қилаётган ёшлар коллективлари аъзолари шулар жумласидандир. Бундай қаноатланарли натижаларга эришишда комсомол ташкилотлари, ёшлар ташкилотлари ва бошқаларнинг ҳиссаси катта. Ёшлар доимо янгилик ва ташаббусларни тез илғаб, ишлаб чиқариш комбинатларини ҳам бир мунча тадбиркорларни кўрмоқдалар. Комсомол ташкилотлари битирувчи ёшларни касбга йўналтириш юзасидан ташкилий ва тарбиявий ишларни олиб бормоқдалар. Лекин ҳамма жойда ҳам исталган натижаларга эришилмоқда, деб айтиб бўлмайди. Мактаблар ва ўқув ишлаб чиқариш комбинатлари бу муҳим ишга янада чуқурроқ ёндошишлари, ўз фаолиятларини кучайтиришлари зарур. Мактаб бошланғич комсомол ташкилотлари касбга йўналтириш ишларини яхшилаш бўйича кўпгина қизиқарли ва ибратли тадбирларни амалга оширишлари мумкин. Фақат ижодий изланиш, истак бўлиши керак. Ўқув ишлаб чиқариш комбинатларини қишлоқ хўжалик техникаси билан тўлиқ таъминлаш масаласини ҳам тезроқ ҳал этиш зарур.

Музокараларда сўзга чиққан нотиқлар — Навоий номли колхоз сут соғувчиси Ш. Холмирзаева, «Далварзин» совхози 5-бўлим комсомол ташкилотининг секретари, механизатор А. Эргашев, В. И. Ленин номли мактаб директори ўринбосари А. Бобоев, К. Ниёзий номли мактаб комсомол ташкилотининг секретари Б. Мирзакаримов ва бошқалар район комсомол комитетининг ўтган икки йил ичида амалга оширган оммавий-сиёсий, ташкилий-тарбиявий, идеологик ишларига баҳо бериб, галдаги вазифалар устида тўхталиб ўтдилар.

Конференция делегатлари йўл қўйилган камчиликларни тезроқ бартараф этиш, ҳал қилинмаган масалаларга эътиборни кучайтириш лозимлигини алоҳида таъкидладилар. Жумладан, комсомол ички ишларини яхшилаш, союз аъзолари сафини кенгайтириш лозим. Комсомол прожектори фаолиятини ҳам янада кучайтириш талаб қилинади.

Конференцияда район комсомол комитетининг янги составы ва область комсомол конференциясига делегатлар сайланди.

Конференцияда район паотия комитетининг биринчи секретари З. Т. Маҳсумов ва область комсомол комитетининг секретари Б. Ш. Ғойибова сўзга чиқдилар.

Конференцияда область партия комитети фан ва ўқув юртлари бўлими мудири Н. Ф. Иброҳимов иштирок этди.

Район комсомол комитетининг ташкилий пленумида М. Расулов Бекобод район комсомол комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди.

* * *

Чиноз, Оққўрғон, Калинин ва Паркент район комсомол конференциялари ҳам бўлиб ўтди. Конференцияларда район комсомол комитетларининг янги составлари ва область комсомол конференциясига делегатлар сайланди.

К. НОРМАТОВ,
С. САИДВАЛИЕВ.

ДУНЁ ОВОЗИ

ТАСС БАЁНОТИ

АҚШ ва унинг НАТО блокидаги иттифоқчилари суверен давлат — Польша Халқ Республикасининг ички ишларига қўпол суратда аралашишга уринишларни, халқаро кескинликни кучайтиришни давом эттирмоқда. Шимолий Атлантика иттифоқидаги мамлакатлар ташқи ишлар министрларининг 11 январда эълон қилинган баёнотидан ҳам шу нарса жуда яққол маълум бўлиб қолди.

Мана шу бутун шармандали найрангнинг ташаббускори АҚШ маъмурияти эканлиги яхши маълум. Фактларни ҳаёсизларча бузиб кўрсатишда ҳам, муомаланинг андишасизлигида ҳам, ҳаддан зиёд сиёсий манманликларга берилиб кетишда ҳам АҚШ маъмуриятининг қўли сезилмоқда.

Хўш, Вашингтон нимага асосланиб бошқа давлатга ўзининг ички ишларини қандай ҳал қилиши кераклиги тўғрисида ўз измини ўтказиши, Польша раҳбарларига аллақандай талаблар қўйиши керак экан? Буни давлатлар ўртасидаги муносабатлар ва халқаро ҳуқуқнинг энг муқаддас нормаларини таҳқирлашдан бошқа нарса деб бўлмайди.

Ўз мамлакатларида энг оддий инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини лойга булғаётган, халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш йўлидаги ҳар қандай ҳаракатларини хоҳ ошкора, хоҳ яширин суратда бўғишга уринаётган кишилар шу ишни қилиб турганликлари ниҳоятда равшандир. Бунга Чили, Доминикан Республикаси, Сальвадор айрим миссолларгина бўла олади холос.

Бутун дунёнинг кўз ўнгида арабларнинг азалий территорияларини босиб олаётган, Фаластин халқининг озодлик ва миллий яшаш учун курашини қонга ботиришга уринаётган Исроил агрессори кимнинг панасига ўтаётганлиги равшан эмасми. Ана шулар яна АҚШ ва унинг поляклларга ўзини қандай тутиш лозимлигини кўрсатувчи ёрдамчи сохта хакамлари бурчини зиммасига олишга уринаётган АҚШнинг дўстларидир.

НАТО баёнотининг авторлари социалистик Польшада Польша маъмурлари мамлакатнинг конституциясига мувофиқ кўрган чоралар натижасида бошланган нормаллаштириш жараёни ўзларига ёқмаётганлигини яширмаяптилар. Польшада яқинлашиб келаётган гражданлар уруши, миллий фалокат хавфининг олди олинганлиги уларни қутуртирмоқда.

Ҳозир Польшада «миллий иноқлик»ка мунофиқона даъват этаётган, у ердаги вазият тамомила қарама-қарши йўналишда ривожланиши учун, шундай иноқлик бўлмаслиги учун қўлидан келган ҳамма ишларни қилиб келган ва қилаётган ҳам АҚШ маъмуриятининг ўзгинасидир.

АҚШ ҳамон Польшадаги социализмга қарши кучларни ҳарчанд рағбатлантиришга, уларни ҳуқуқ-тартиботни бузишга, у ердаги мавжуд тузумни ағдариб ташлашга ундашга уринмоқда. Бу ишлар Америка ҳазинасидан мўймаймўмай пул олиб турувчи махсус хизматларнинг жиноятконона қўборувчилик ишлари, гиж-гижлатувчи радиоэшиттиришлар, радио орқали бериладиган инструкциялардан тортиб, Оқ уйнинг расмий баёнотларигача турлича шакл ва ҳар хил йўллар билан бажариб келинди ва бажарилмоқда.

Эндиликда, Польшадаги вазият секин-аста барқарорлашиб бораётган, одамлар эркинроқ нафас ола бошлаган, ишлаб чиқаришда меҳнат маромининг йўлга туша бошлаган бир пайтда АҚШ Польшага нисбатан иқтисодий ва бошқача чоралар кўриб, бунга халқият беришга уринмоқда, НАТО блокидаги иттифоқчиларини шу авантюристик йўлга тортмоқда.

Буларнинг ҳаммаси мустақил Польша давлатига кўрсатилаётган йўл қўйиб бўлмайдиган тазйиқ, БМТ Уставининг руҳи ва ҳарфига, Хельсинки Якунловчи Актига, халқаро муомаланинг энг оддий нормаларига тўғри келмайдиган тазйиқдан иборатдир.

«Инсон ҳуқуқлари» тўғрисида мунофиқона муҳокамалар четдан руҳлантирилаётган ва қўллаб-қувватланаётган контрреволюция кучларининг фаолияти поляклларга келтирган мушкулликларни АҚШ ва НАТО блокидаги бошқа базан мамлакатлар фақат чуқурлаштираётганлигини хаспўшлай олмайди.

АҚШ ва унинг НАТО блокидаги иттифоқчилари ўз баёнотларида Польшада рўй бераётган воқеаларга тааллуқли фактларни тўғридан-тўғри сохталаштиришдан ҳам тоймаяптилар. Лекин шу баёнотдаги ёлғон-яшиқ гаплар нечоғлик қалаштириб ташланган бўлмасин, у бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашиш сиёсатини ишонтиррали қилаолмайди.

Четдаги муайян доиралар Польшадаги контрреволюцион кучларнинг фаолиятига қандай умид боғлаганликлари энди янада яққолроқ бўлиб қолди. Улар Польша социалистик давлатини бузишни, буржуазия тартиботларини тиклашни мўлжаллашган эдилар. Кўпгина халқларнинг ўткир бир мақолидан фойдаланиб, халқ Польшасига қарши фитна ташкилотчиларига уларнинг бу ниятларини елкаларининг чуқури ҳам кўролмайди, дейиш мумкин.

НАТО мамлакатлари Польшанинг ишларига сурбетларча аралашаётганликларини қандай бўлмасин оқламоқчи бўлиб, Польшадаги ҳарбий ҳолат гўё СССР ва бошқа социалистик мамлакатларнинг тазйиқи остида жорий этилди, Польшадаги вазиятнинг ҳозирги боришига гўё умуман Совет Иттифоқи дахлдордир, деган гапларни ҳар хил йўсинда тарқатмоқда. Бу гаплар бошдан оёқ уйдирмадир.

Польшанинг олий органлари амалга ошираётган чоралар— Польшанинг миллий қарори, поляклларнинг, фақатгина уларнинг ўз ишидир. Бу борада Польша раҳбарларининг берган баёнотларидан мўътабарроқ қандай гап бўлиши мумкин?

Айни вақтда шу нарса ҳам очиқ-ойдин бўлмоғи керак-ки, Совет Иттифоқи қўшни социалистик Польшанинг тақдирига бефарқ қараб туролмайди. Польшани фашистлар қуллигидан озод этишда юз минглаб совет кишилари жонларини фидо этдилар, буни совет халқининг ҳам, поляк халқининг ҳам хотирасидан ўчириб бўлмайди. Шу билан бирга Польшани озод этиш учун Польша диёрида бигта ҳам америкалик қурбон бўлмаганлиги яхши маълумдир.

Польша раҳбарлари нега бор таъкидлганларидек, Польша Варшава Шартномасининг ажралмас бир бўғини, социалистик ҳамдўстлик аъзоси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Социалистик Польша давлатига дағдаға қилаётган кимсаларнинг ҳаммаси мана шуни назарда тутишлари керак.

Қардош Польша билан иттифоққа садоқатли СССР Польша халқига ёрдам ва мадад бериб келди, бундан бўён ҳам шундай қилаверади. Бу ёрдам АҚШнинг ҳатти-ҳаракатларига мутлақо зиддир. АҚШ ўзининг империалистик мақсадлари йўлида Польша халқини мухтожлик ва уқубатларга маҳкум этишни хоҳлаяпти.

НАТО кенгашининг Брюсселдаги сессияси шу агрессив ҳарбий блокдан океан ортидаги блок аъзосининг ғарбий европаликлар миллий манфаатларига ёт бўлган хоҳишларини тиқиштириш мақсадида ҳам фойдаланаётганлигини яна бир бор кўрсатмоқда.

Ҳа, Вашингтон халқаро сиёсат стрелкасини кескинликни юмшатиш йўлидан блоклар ўртасида конфронтация йўлига буриб қўймоқ учун талайгина куч-ғайрат сарфлаяпти. Хўш, нега шундай қилиняпти? Бу саволга жавоб бериш унчалик қийин эмас.

Аввало гап социализмни қисиб қўйиш, Европада ва жаҳон майдонида СССР ва бошқа социалистик мамлакатларнинг позицияларини бўшаштиришга уринишга тўғрисида бораётир. Империалистик лагернинг баъзи арбоблари социализм мустаҳкамланаётганлигидан куну-тун босинқирамоқдалар. Социализмнинг халқаро позициялари Европадаги ва дунёдаги кучларнинг мавжуд нисбатига суянади, социалистик ҳамдўстликнинг куч-қудрати билан гарантияланади.

Вашингтондагилар Польша теварагидаги вазиятни жўрттага мушкуллаштириш ва кескинликни кучайтириш билан умумий сиёсий иқлимни янада кўпроқ заҳарлашни, Шарқ билан Ғарб ўртасидаги мулоқот муҳитини ёмонлаштиришни очиқдан-очиқ мақсад қилиб қўйганлар. Совет Иттифоқининг бошқа социализм мамлакатларининг музокаралар олиб бориш, қуролланиш пойгасини чеклаш, етилган проблемаларни ўзаро мақбул ҳал этишни излаш изчил йўли АҚШнинг кенгайиб кетган ҳарбий программаларига, Ғарбий Европада Америкаларнинг янги ядровий ракеталарини жойлаштириш режаларини амалга оширишига жиддий халақит бераётган кўринади.

НАТО блокининг Брюсселда қабул қилган баёнотида Польшадаги ишлар НАТОдаги бирон давлатнинг кўнглидагидек ривожланмаса АҚШ жуда муҳим масалалар юзасидан, шу жумладан қуролланишни чеклаш проблемаси юзасидан олиб борилаётган музокараларни тўхтатиши мумкинлигига шама қилинганлиги тасодифий эмасдир.

Бу хусусда битта гапни айтиб ўтмоқ зарур. Бундай дўқпўписа қилувчилар оддий бир ҳақиқатни англаб олсалар бўларди: қуролланиш пойгасини тўхтатиш, урушнинг, аввало ядро урушининг, олдини олиш Совет Иттифоқи билан унинг дўстларига қанчалик керак бўлса, капиталистик мамлакатларга ҳам шунчалик керак. Бунинг учун ёнида борининг ҳаммасини қиморга тикиб, кўзи боғланган ҳолда жар ёқасига борувчи ашаддий қиморбозларга ўхшамай, келажак тўғрисида жиддий, ҳақиқий қайғуриш керак албатта. Лекин бу ҳолда халқларнинг, бутун инсониятнинг тақдири ва ҳаётининг ўзи довга тикилган бўлур эди.

Уруш ва тинчлик, қуролланиш пойгасини ва аввало ракета-ядро қуролланиш пойгасини тўхтатиш проблемаларини ижтимоий тузум сифатида социализмга нисбатан ҳар қандай душманлик тўсолмайди, тўсмаслиги ҳам керак. Ҳал этилишини халқлар кутаётган мана шу проблемалар юзасидан олиб бориладиган музокаралар негизини бузиш эммага оғир жавобгарлик олинганлигини билдирган бўлур эди.

Совет Иттифоқи, бошқа социалистик мамлакатлар Европа қитъасида ва умуман бутун дунёда кескинликни юмшатиш ҳамда тинчликни давом эттириш ва мустаҳкамлаш тарафдорларидир. Улар шу сиёсатни ўтказиб келмоқдалар ва бу сиёсатни ҳамиша ўтказаверадилар.

ОШКОРА ВА АНДИШАСИЗЛАРЧА АРАЛАШУВ

ВАРШАВА. 13 январь. (ТАСС). НАТО мамлакатлари ташқи ишлар министрларининг баёноти Польшанинг ички ишларига ошкора ва андишасизларча аралашувдир, дейилади ПАП агентлигининг бу ерда тарқатилган шарҳида. Ана шу ҳужжатда поляклар ва Польша ҳукумати ПХРнинг мустақил давлат сифатида яшашига таҳдид қилаётган тангликдан ўз мамлакатини қандай қилиб олиб чиқиши кераклиги «ўргатилади». Бундай «ўргатишлар» халқаро ҳуқуқ нормаларига мутлақо тўғри келмайди ва Европада хавфсизлик ҳамда ҳамкорликка бағишланган Хельсинки кенгашининг якунловчи актига тўғридан-тўғри хилофдир. Брюссель ҳужжатининг авторлари ана шу якунловчи актни зўр бериб рўкач қилмоқдалар.

НАТО стратеглари, деб уқтирилади шарҳда, афтидан поляклларнинг кризисдан қутилишларини мушкуллаштириш учун ҳамма ишларни қилиш керак деган фикрга амал қилишаётган кўринади. Польшадаги кескин вазият Ғарбдаги муайян доираларга зарурдир. Бу вазият қуролланиш пойгасини кучайтириш, социалистик мамлакатлар устидан ҳарбий устунликка эришиш йўлида яна уриниб кўриш имконини беради.

Брюсселда қабул қилинган ҳужжат гирт риёкорликдан бошқа бир нарса эмас. Чунки унда Польша тўғрисидаги «ғамхўрлик» баҳоналари билан ПХР гражданларига даҳлдор бўлган «чоралар» эълон қилинган. Польшанинг заифлашиб қолган халқ хўжалиги ана шу камситувчи ҳатти-ҳаракатларни сезиши шубҳасиз. Шу боисдан НАТО ўзининг стратегик мақсадларини поляк халқи ҳисобидан амалга оширмоқчи эканлиги мутлақо равшан. Зотан буни ҳеч қандай риёкорона баёнотлар билан ниқоблашга муваффақ бўлинмайди.

Шарҳда таъкидланадики, Оқ уйнинг НАТОдаги Америка иттифоқчиларига ўтказаётган тазйиқига ва уларга «совуқ уруш» замонлари руҳидаги Америка йўлини тиқиштиришга уринишларга қарамай жаҳоннинг илғор жамоатчилиги Польша ҳукуматининг ПХРдаги фалокатнинг олдини олган қарорларини тушуниб етиб олди.

САЛЬВАДОР КУРАШМОҚДА

● САЛЬВАДОР. Фарабунд Марти номидаги миллий-озодлик фронти жангчилари Америка ҳарбий маслаҳатчилари раҳбарлик қилаётган ҳарбий хунта қўшинларига қарши жанговар ҳаракатларини кундан-кунга кучайтириб бормоқдалар.

Суратда: миллий-озодлик фронти жангчилари ҳукумат қўшинларига ҳар дақиқа зарба беришга шай.

● САЛЬВАДОРДА фақат АҚШнинг ҳар томонлама ёрдами туфайлигина ҳокимият тепасида жон сақлаб келаётган конли хунтага қарши халқ ватанпарварлар кучларнинг курашн ўтн тобора аланга олмоқда. Мамлакатдаги миллий-озодлик ҳаракатини бостириш ҳақидаги Вашингтон ва у қўллаб-қувватлаб келаётган хунтанинг ёвуз ниятлари, уларнинг бу йўлдаги ҳар қандай уринишлари беҳудадир.

[Газетадан].

● УШБУ сурат «ВУЛҚОН УИГОНДИ» деб аталади. У «Вохенпост» (ГДР) ҳафталигидан олинган.

ТАСС фотохроникаси.

ГАИТИДАГИ АҲВОЛ

НЬЮ-ЙОРК. Ахборот агентликлари хабарларига қараганда, Гаити пойтахти Порт-о-Пренсе ва бошқа аҳоли пунктларида диктаторлик режимининг ҳарбийлаштирилган бўлинмалари аъзолари — «Тонтон—макутлар»нинг соқчилиги кучайтирилган. Айни вақтда у ерда икки кун муқаддам диктатор Дювальени ағдариб ташлаш мақсадида Гаитидан 15 миля шимолроқдаги чоғроқ Тортю (Тортуга) оролига тушган қуролли оппозициячи группа тор-мор этилганлиги эълон қилинди. АП агентлигининг хабар қилишича, Гаити мувофиқлаштириш ва ахборот министри ҳукумат «Тортюни тўла-тўкис назорат қилиб турибди» ва «40 кишидан ошмайдиган исёнчилар тоғлардаги чакалакзорлар орасида яшириниб олди», деб айтган. Унинг сўзларига қараганда, оролга тушган группанинг уч қатнашчиси қўлга олинган.

ПАРИЖ. Дювальени ағдариб ташлашга ҳаракат қилган қуролли группанинг раҳбари Бернар Сансарик 60-йилларда ўзининг ҳамма қариндош—уруғлари яширин полиция қўлида ҳалок бўлганидан кейин Гаитини тарк этган эди, деб ёзади «Юманите» газетаси, чамаси, диктаторга қарши кайфиятдаги пуллор гаитиликлар маблағи эвазига тайёрланган операция ташвиш туғдираётганининг бир қанча сабаблари бор. Масалан, у операция бошланишидан роса икки кун аввал ўзи қилмоқчи бўлган ишларнинг ҳамма тафсилотларини журналистларга айтиб берган, бу эса соддадилликдан кўра бирмунча кўпроқ маънони билдиради, деб уқтиради газета.

(ТАСС).

НОЁБ ЭКСПЕРИМЕНТ

ПРАГА. (ТАСС). Магистрал газ қувурларини қараб юрувчи ходимларга оддий беда ёрдам бера бошлади. Беда газ силқишини ўз вақтида пайқашга имкон беришини чехословакиялик мутахассислар билиб қолдилар.

Чехословакиянинг Бандис-Лаба шаҳридан сал нарида ноёб бир эксперимент ўтказилди. Бу ердан ўтувчи газ қувури ёнидаги 150 квадрат метр майдоннинг бир неча участкасига қувур трассаси бўйлаб кўпроқ учрайдиган ўсимликлар бир неча йилдан бери ўтқазилиб келди. Тупроққа эса табиий газ берилди. Шундай қилиб, ҳозирги вақтда 200 хил ўсимлик газ таъсирида ўсишда нормадан сезиларли четланишини аниқлаш мумкин бўлди. Беда энг мос «индикатор» бўлиб чиқди. Салгина газ таъсир этса ҳам унинг ранги ва ўсиши сезиларли даражада ўзгаради.

Бундай экспериментнинг иқтисодий самарасига тегишли баҳо бериш қийин. Маълумки, коррозия ёки металлнинг емирилиши сабабидан қувурда вужудга келган, ҳатто кўз илғамайдиган дарзлар ҳам катта-катта аварияларга сабаб бўлиши мумкин, бошқа мамлакатларда бўлгани сингари ЧССРда ҳам газ қувурларининг тазйиқи остида жорий этилди, Польшадаги вазиятнинг ҳозирги боришига гўё умуман Совет Иттифоқи дахлдордир, деган гапларни ҳар хил йўсинда тарқатмоқда. Бу гаплар бошдан оёқ уйдирмадир.

Аммо бу иш жуда машақатлидир. Чунки контролёрлар ғоят узун участкаларни айланаётиб, оғир аппаратларни ҳам кўтариб юришларига тўғри келади.

Эндиликда уларнинг меҳнатини анча енгиллаштириш мумкин. Ҳозирнинг ўзидаёқ кўпгина ходимлар янгича контроль методи тўғрисида инструкциядан ўтдилар. Газ қувурлари бўйлаб индикатор ўсимликлар ўстирилади. Орадан бир оз фурсат ўтгач, трасса вертолёт орқали мунтазам равишда видеосъемка қилина бошланади.

А. СЕНИН.

ШИДДАТЛИ ЖАНГЛАР БЎЛМОҚДА

БАЙРУТ. 13 январь. (ТАСС). Эрон-Ироқ фронтида қаттиқ жанглар бўлмоқда. Бу жангларда иккала томон қуролли кучларининг ҳамма турлари қатнашмоқда.

Ироқ бош ҳарбий қўмондонлигининг эълон этилган ахборотида айтиладики, Ироқ ҳарбий денгиз флотининг ҳаракатлари натижасида Форс қўлтиғида Эроннинг учта ҳарбий кемаси чўктириб юборилган. Ироқ самолётлари ва вертолётлари фронтнинг марказий ва жанубий участкаларида душманнинг позицияларига зарбалар беришни давом эттирган. Ўтган кунлар мобайнида Эроннинг 170 ҳарбий хизматчиси қириб ташланган, душманнинг икки танки ва бир неча автомашинаси мажақланган.

Эрон қуролли кучлари бирлашган штабининг навбатдаги ахборотида маълум қилинадики, Эрон қўшинлари Илом шаҳри районида муваффақиятли ҳужум қилиб, бунда Ироқнинг 200 тадан кўп ҳарбий хизматчисини қириб ташлаганлар, бир неча танки, автомашинаси ва тўпларини мажақлаганлар.

МАСЪУЛИЯТ АҚШ ЗИММАСИГА ТУШАДИ

МАНАГУА. Никарагуа революциясига қарши қилинаётган жамики қўпорувчилик ишларини Қўшма Штатлар уюштирмоқда, деди Никарагуа ҳукумати раҳбарлик кенгашининг координатори Даниэль Ортега.

Сандиночиларнинг раҳбари Никарагуа телевидениеси орқали сўзлаган нутқида Америка маъмурияти қўшни Гондурас территориясидан Никарагуага қарши агрессив ҳуружлар қилаётган собиқ сомосачиларни ўз ҳомийлигига олмоқда, деб уқтирди. Вашингтоннинг ишораси билан ва бевосита васийлиги остида Флорида штатидаги махсус лагерларда қўлга тушмай қолган сомосачилар билан кубалик контрреволюционерлар қитъадаги мустақил давлатларга қарши қўпорувчилик ҳаракатлари қилишга ҳозирлик кўрмоқдалар. Никарагуа чегарачилари, халқ лашкарларининг жангчилари ва тинч гражданларни сомосачилар ўлдириб кетаётганлиги учун Қўшма Штатлар жавобгардир, деб таъкидлади Д. Ортега. Агар АҚШ контрреволюцион шайкаларни қўллаб-қувватлашни тўхтатса, Марказий Америкадаги унга итоатгўй режимлар ҳам худди шундай қилган бўлур эдилар, деди сандиночилар раҳбари.

(ТАСС).

ОТТАВА. Бу ерда бўлиб ўтган оммавий намойишда мамлакатнинг турли бурчакларидан келган 100 мингга яқин канадаликлар иштирок этишди. Улар мамлакат маъмуриятининг иқтисодий сиёсатига қарши кескин норозилик билдирдилар. Суратда намойиш пайтида.

А. Меликян телефотоси.

(ТАСС).

СТУДЕНТЛАРГА ЖАБР-ЗУЛМ

ЛОНДОН. Марокаш суд маъмурлари бултур мамлакатнинг бир қанча олий ўқув юртларида галаён ташкил қилишда айбланган 21 студентнинг иши юзасидан айблов ҳукми чиқарди. Рейтер агентлигининг хабар қилишича, студентларнинг активлари, шу жумладан, Марокаш студентлари миллий иттифоқи ижроия комитетининг уч аъзоси турли муддатлар билан қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Ҳукумат маъмурлари бир қанча институт ва университетларда «тартиб сақлаш» учун махсус қуролли бўлинмалар тузишга қарор қилганлиги сабабли ўшанда ёшлар порозилик билдирган эдилар. Ўша пайтда ўтказилган намойишни тарқатиб юбориш учун полиция ва ҳарбий бўлинмалар чақирилган эди, деб уқтиради Рейтер агентлиги.

БОШ ПРОКУРОРНИНГ ҚАРОРИ

ҚОҲИРА. Мисрдаги сиёсий ва диний оппозицияга қарши президент Садат ўтказган кампания доирасида ўтган йил сентябрда қамоққа олинган кишиларнинг навбатдаги бир группаси озод этилганлиги бу ерда эълон қилинди. Бош прокурорнинг қарорига биноан 27 киши қамоқдан чиқарилади.

(ТАСС).

ҚАТЪИЙ НОРОЗИЛИК

ПАРИЖ. Ангола Халқ республикасининг Франциядаги элчихонаси бу ерда баёнот тарқатди, унда Ангола территориясига юбориш учун ёлланма аскарлар тайёрланаётганлигига қарши норозилик билдирилган. Лондондан олинган хабарга қараганда, деб таъкидланади матбуот учун берилган ахборотда, ҳозир у ерда Анголага қарши терроризм ҳаракатларини ташкил этиш учун ёлланма аскарлар танлаб олинмоқда. Ангола Халқ Республикаси бу ҳаракатларни кескин қоралайди ва Буюк Британия маъмурларининг диққат эътиборини ана шундай ҳаракатларга чек қўйиш зарурлигига қаратди.

Ангола шуни билдириб қўядики, ўз территориясида қўлга тушган ёлланма аскарлар қайси миллатга мансуб бўлмасинлар уларга ҳеч қандай раҳм-шафқат қилинмайди, деб таъкидланади матбуот учун берилган ахборотда.

(ТАСС).

МИНИСТРНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ТЕҲРОН. 13 январь. (ТАСС). Эрон ташқи ишлар министри А. А. Вилоёти бу ерда гапириб, «агрессив Қўшма Штатлар» Эроннинг асосий душманидир, АҚШ Эронга қарши ошкора агрессив ҳаракатлари чиппакка чиқиб, Эрондаги мавжуд режимни ўз агентларининг қўпорувчилик ҳаракатлари ёрдами билан ичидан бузишга уринмоқда, деди у. Эрон Вашингтон ва унинг қўғирчоғи — Исроилнинг агрессив ва империалистик сиёсатига қарши курашни давом эттиришга маҳкам бел боғлаган.

ПЕНТАГОН ПЛАНЛАРИ ҚАТТИҚ ҚОРАЛАНМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Американинг таниқли олимлари — Эмхерст шаҳридаги (Массачусетс штати) Гэмпшир коллежи табиёт фанлари факультетининг декани А. Уэстинг ҳамда Массачусетс технология институтининг ходими биолог Ж. Кинг Р. Рейган маъмуриятининг химиявий ва бактериологик қурол ишлатиладиган урушга зўр бериб тайёргарлик кўраётганлигини қаттиқ қоралаб чиқдилар.

А. Уэстингнинг айтишича, Пентагоннинг юқори мансабдор вакиллари яқин фурсатда Бинар химиявий снарядлар катта кўламда ишлаб чиқарила бошлаши тўғрисида яқинда айтган гаплари Вашингтонда шу вақшиёна қурол турларини ишлатган ҳолда уруш олиб бориш режалари мавжудлигини кўрсатувчи мудҳиш далилдир. Маълумки, АҚШ конгресси бунинг учун 20 миллион доллар пул ажратди. Шу маблағларга Пайн—Блаффда (Арканзас штати) махсус завод қурилади ва бу завод ой сайин 70 мингта шундай снаряд тайёрлаб чиқаради. Маъмурият шу сиёсатни давом эттириш билан дунёни қуролланиш пойгасининг янги бир хатарли давраси сари етакламоқда, деб таъкидлади олим «Чикаго трибюн» газетасининг мухбири билан қилган суҳбатида.

Ташвишланиш учун ғоят жиддий асослар бор, деди Ж. Кинг. Қўшма Штатлар ва бошқа баъзи Ғарб мамлакатлари биология ва генетика соҳасидаги сўнгги илмий ютуқлардан ҳарбий мақсадларда фойдаланишни истисно этмоқчи эмас. Американинг Форт-Детрикдаги (Мэриленд штати) базасида, шунингдек Буюк Британиядаги Портон-Даун полигонида бактериологик қурол билан боғлиқ ишлар кўпдан бери олиб борилмоқда. 1925 йил Женевада тузилган протоколга кўра бактериологик воситалар қўллаш тақиқланганлигига қарамай, Пентагон одамга ва атроф муҳитга зарарли таъсир кўрсатувчи микроорганизмдан фойдаланиш ғоясига ҳамон алоҳида қизиқиш билан қараб келаётганлиги олимни айниқса ташвишлантиради.

Олимлар АҚШ Совет Иттифоқи шаънига қўйган ва гўё Совет Иттифоқи Афғонистонда химиявий қурол қўллади, деган айбларни «мутлақо асоссиз ва ёлғон» деб атадилар. Бундай уйдирмалардан мақсад СССРга туҳмат-бўҳтон ёғдириш ҳамда янги хил химиявий ва бактериологик қурол турларини яратиш борасида қўяётган қадамларини оқлашдан иборатдир, деб таъкидлади А. Уэстинг.

ҚАРДОШ АДАБИЁТЛАР ТАДҚИҚОТЧИСИ

— Ўқи, ўқи чирогим, аввал ўғлимдан келган хатни ўқи, кейин неварам Нишонбойнинг хатини ўқийсан, бўтам, — дерди неварасининг елкаларига қўлини қўйиб Нуринисо кампир.

Мажид фашист босқинчилар билан юзма-юз жанг қилаётган тоғаси Абдусалом Ботиров, акаси Нишонбой Ҳасановдан келган хатни ўқий олмаганидан бувиси олдида қаттиқ уяларди, изтироб чекарди.

Миллион-миллион совет ватанпарварлари сингари тоғажиян Абдусалом Ботиров ва Нишонбой Ҳасановлар ҳам ёвни енгиб, она юрт бағрига омон қайтдилар. Мана улар 36 йилдан ортиқ давр ичида тинч ҳаёт ва меҳнат завқини сурмоқдалар.

Келажакка катта умид ва шодлик-ла боққан дўстимиз Мажид Ҳасановнинг шахсий архивида акаси Нишонбойнинг бир неча мактублари сақланади. Айниқса аканинг унга: «Ўқи, одам бўл, қўлингдан китоб тушмасин», деб қилган мурожаати унинг бутун бир ҳаёт ва ижод йўлининг дастуруламалига айланиб қолди.

Йиллар ортидан йиллар қуриб ўтди... Мажид Ҳасанов 1952 йилда ўрта мактабни тугатиб, Тошкент шаҳрига ўқишга келди. У В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университети — (ҳозирги ТошДУ)нинг филология факультетида беш йил таҳсил кўрди. Толиби илмлар даврасида қариб чорак асрдан бўён Мажид Ҳасанов тинимсиз ўқиш, изланиш ва ижод ишқи билан яшаб келмоқда.

Баъзан ҳаётда шундай одамлар ҳам учрайдики, бошқа ижодкорлар, санъаткор ҳақида қайнаб-тошиб жўшиб ёзадилару ўзлари ҳақида ҳеч нарса демайдилар.

Дўстимиз Мажид Ҳасанов қардош Тожикистоннинг оддий бир қишлоғидан келиб кейинги чорак асрда Ўзбекистон ва Тожикистон республикаларига танилган адабиётшунос олим ва моҳир педагог бўлиб етишди. У бир неча йиллар давомида матбуот органларида хизмат қилди. «Тиниб-тинчимас ижодкор журналистика соҳасини пухта эгаллаб, Тожикистон ва Ўзбекистон матбуоти саҳифаларида кўрина бошлади. Унинг қатор мақолалари, очерклари ва адабий лавҳалари эълон қилинди. Бу жиҳатдан унинг ўзбек, тожик ва рус тилларида эълон қилинган — «Ифгирма уч шоира», «Ўзбек ва тожик классик адабиётларимизда ислом динининг фош этилиши», «Рудакий ва давримиз», «Чехов ва Шарқ», «Крилов — масалнавис санъаткор», «Асарларимиз ғоявий-бадиий юксак бўлсин», «Адиб-публицист» сингари адабий танқидий мақолалари ва тақризлари характерлидир.

Мажид Ҳасанов ўз илмини ошириш, филология соҳасида илмий тадқиқот иши олиб бориш ниятида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институтида илмий ходим бўлиб ишлади. У машҳур адабиётшунос олим, профессор Ҳ. И. Еқубов раҳбарлигида илмий тадқиқот иши олиб борди.

Интилганга толе ёр, дейди халқимиз. М. Ҳасанов бу даврда матбуотда актив қатнашиб бир қанча адабий-танқидий мақолаларини чоп эттирди. Устод Садриддин Айний ижодиёти бўйича илмий иш олиб бориб, 1970 йилда «Садриддин Айний публицистикасининг ғоявий бадиий хусусиятлари» мавзуида кандидатлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Адабиётшунос М. Ҳасанов кейинги 10—15 йил ичида бир қанча адабий-танқидий мақолалари ва рисолаларини чоп эттиришга муваффақ бўлди. Халқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги, айниқса, Мажид Ҳасановнинг адабиётшунослигимиз соҳасидаги энг хайрли ишларидан бири ёзувчи ва публицист С. Айний танланган асарларини (8 томлик, Т. 1962—68 й) тўплаб нашр эттириш бўлди. У адиб асарларини ҳозирги замон китобхонларига тақдим этар экан, энг аввало ёзувчининг нашр эттирилмай қолиб кетган ёки кам нашр эттирилган асарларига мурожаат этади. Бу жиҳатдан С. Айнийнинг «Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар», «Қиз бола ёки Ҳолида», «Бухоро жаллодлари», «Қулбобо ёки икки озод» ва шунга ўхшаш ноёб асарларининг китобхон қўлига бориб етиши кишини қурсанд қилади.

Яқинда Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти адабиётшунос олим Мажид Ҳасановнинг «Айний чаманий» номли янги асарини чоп этди.

Ҳозирда 50 баҳорни кўрган заҳматкаш олим-адабиётшунос, журналист, педагог ва таржимон Мажид Ҳасанов С. Айний ижоди бўйича янги илмий-тадқиқот ишини олиб бормоқда. Бир неча йилларидан буён у Халқлар Дўстлиги ордени Тошкент қишлоқ хўжалик институтида ўзбек тили ва адабиётидан дарс бериб келмоқда. Биз унинг илмий ва педагогик фаолиятларидаги хайрли ва қутлуғ ишларида катта муваффақиятлар тилайміз ва заҳматкаш қаламкаш дўстимизнинг 50 ёшлик тўйини муборакбод этамиз.

Э. ШОДИЕВ,
Н. ШАРОПОВ,
филология фанлари докторлари.

ҲАВАСКОРЛАР ИЖОДИДАН

ХУМОР

Пастаккина деворн бор қўшнимнинг,
Бир хатласам ҳеч шубҳасиз ўтгулик.
Сухсурдайин бир қиз юрар ҳовлида,
Юрак ютиб, қўл узатсам етгулик.

Кўзларини соғинаман ҳар онда,
Қўлларини излаб қолар қўлларим.

Узоқ эмас масофамиз, бироқ, ох...
Тушармикин ҳовлисига йўлларим.

Хумор тутган сонялар кўп бўлар,
Аммо, лекин ўтолмадим девордан.
Ўтар эдим бу деворан бир хатлаб...
Агар рухсат бўлса ўшал гул ёрдан!..

ХОТИРОТ

Ҳар ким бенз яшамасин бир умр.
Одамлардан эли-юрти шод қолсин.

Кўрган-билган дўстларнинг оғзида
«Яхши одам эди!» деган от қолсин.

Маъракаси тўйдай ўтсин чолларнинг,
Кўкрак керган мухолифлар «мот» қолсин.

«Уруш кўрган, меҳнат кўрган...» аждоддан,
Абаднйга ширин хотирот қолсин...

Яхё ТОҒАЕВ.

ФАН-ТЕХНИКА ОЛАМИДА

СУНЪИЙ МАРМАР

● БОЛГАРИЯЛИК инженерлар полиэфир смола ҳамда табиий мармарга ишлов бериш чиқитларидан сунъий мармар олиш усулини топдилар. Деворларни ичкаридан ва ташқаридан қоплаш учун шундай сунъий мармар ишлатиш мумкин.

ИЕРОГЛИФЛИ ЁЗУВ МАШИНКАСИ

● ГОНКОНГДА Хитой тилидаги текстларни 16.000 иероглифлардан фойдаланган ҳолда ёзиш учун 250 клавишли ёзув машинкаси ишлаб чиқилди. Битта иероглифни босиш учун ўрта ҳисобда учта клавишни босиш керак бўлади. Хитойча ёзувни биладиган киши шу машинкада ишлашин бир ҳафтада ўрганиб олиши мумкин.

ПОЛИМЕРЛИ АККУМУЛЯТОР

● АҚШДА полимер электродли ва органик электролитли аккумуляторлар ишлаб чиқилмоқда. Улар кислотали аккумуляторларга нисбатан сиғими баравар бўлган ҳолда ҳажми уч баравар кичик, вазни ўн баравар оз ва хизмат кўрсатишни талаб қилмайди. Аммо бундай аккумуляторлардаги электрод тезда ишдан чиқади.

ҚЎРИҚЛОВЧИ ҚУРИЛМА

● АҚШДА жиноятчиликнинг кўпайиб бораётганлиги, жумладан магазинларда ўғирлаш жуда кўплиги (бундан кўрладиган зарар йилига ўн икки миллиард долларга етмоқда) қўриқловчи турли қурилмалар ихтиро этишга мажбур қилмоқда. Масалан, ҳамма молларга ярим ўтказгичли чоғроқ биркаларни маҳкамлаб қўйиш таклиф этилади. Уни фақат кассир махсус асбоб ёрдами билангина чиқариб олиши мумкин. Магазинга келган киши биркаси бўлган ва ҳақи тўланмаган мол билан чиқиб кетмоқчи бўлса, автомат тарзда қўриқловчи қурилма ишга тушиб, товуш ва нур сигналларини беради.

(ТАСС).

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

23 ЯНВАРДАН БОШЛАБ

ЯНГИ ПРОГРАММА

АРЕНАДА БИРИНЧИ МАРТА

«ПАҲЛАВОН ВА ШЕР» АТТРАКЦИОНИ

Ижро этувчи Виктор ЯРОСЛАВЦЕВ.
РСФСРда хизмат кўрсатган артист Людмила КОТОВА раҳбарлигидаги
«РЕТРО» стилида ўргатилган итларнинг номерлари
Виктор РАДОХОВ раҳбарлигидаги
АКРОБАТЛАР АНСАМБЛИ
Догистон АССР халқ артисти, дорбоз
Қурбон Қурбоновнинг чиқишлари
Масхарабозлар группаси янги репризлар, масхарабозликлар, интермедиялар ижро этадилар.
Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари соат 16 ва 19.30 да, якшанба кунлари соат 13, 16 ва 19.30 да бошланади.
Касса соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.
Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.
44-35-91, 44-35-84 телефон номерлари бўйича справкалар олиш мумкин.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

Тошкент областининг барча шаҳарлари ва районларидаги кинотеатрлар экранларига ўзбек тилига дубляж қилинган қуйидаги фильмларни чиқарди

«МЕДАЛЛАРГА ЙЎЛ»

«Мосфильм», СССР—«ТОЭ», ЯПОНИЯ.
Сценарий авторлари — Хиро МАЦУЛА, Юрий ЛАКЕРБАЙ, Анатолий СТЕПАНОВ.
Постановкачи-режиссёрлар — Дзюнья САТО, Никита ОРЛОВ.
Постановкачи-операторлар — Хироси НАМАКИ, Эмиль ГУЛИДОВ.
Постановкачи рассомлар — Татьяна ЛАПШИНА, Нарикацу ИКЕЯ.
Фильмнинг марказида — совет ва япон волейболчилари Таня ва Мегумининг образлари туради. Қизларнинг тақдиридаги таржимаи ҳолида бир-биридан ажралиб турувчи фарқ бўлса ҳам, лекин уларнинг катта спортга бўлган эўр иштиёқида муштараклик бор. Фильмнинг воқеалари 1976 йилда бўлиб ўтган Монреаль Олимпиадасидан бошлаб Москвадаги XXII олимпиада ўйинлари арафасигача бўлган вақтни қамраб олади.

«ТУМАНДА УЗОҚ ЧАЛИНГАН ГУДОК»

Сценарий автори — Э. ДУБРОВСКИЙ.
Постановкачи режиссёр — В. РОДЧЕНКО.
Ролларни ижро этадилар: Н. Гринько, А. Пороховщиков, Е. Капина, Д. Омаев, Л. Веролайнен, В. Проскурин, А. Толубеев, А. Коваленко, А. Суснин ва бошқалар.
Банк инкассаторлари катта миқдорда пул олиб бораётган гидросамолёт мажбуран бир ерга бориб қўнади. Кутилмаганда юз берган тўфон самолётни қаёққадир олиб қочади. Номаълум кишилар самолётдан пуллар жойланган халтани ўғирлайдилар ва тасодифан дуч келган гувоҳни ўлдирадилар...
Фильм «ЛЕНФИЛЬМ» киностудиясида суратга олинган, рангли, кенг экранли.

«БАҲОР» КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

22, 23 ЯНВАРЬ СОАТ 19.30 ДА
М. Турғунбоева номидаги Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган давлат «БАҲОР» халқ рақс ансамблининг

К О Н Ц Е Р Т И

ҚАТНАШАДИЛАР:
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар, Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари:
Маъмура ЭРГАШЕВА ва Ҳайрулла ЛУТФУЛЛАЕВ
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:
Гулнора Жўраева, Насиба Мадраҳимова, Ўғилой Муҳамедова, Гулчеҳра Фозилжонова.
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари: Филруза Низомиддинова, Гулсум Ҳамроева, Дилбар Юнусова.
Ансамблнинг бадиий раҳбари — Ўзбекистон ССР халқ артисти Қ. Миркаримова.
Музика раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, СССР Давлат мукофотининг лауреати Б. АЛИЕВ.
Касса соат 14.00 дан очиқ.

Почтасидан

КОНЧИЛАР УЧУН ТЕПЛИЦА

Олмалиқдаги В. И. Ленин номли кон-металлургия комбинатининг кўпминг кишилик коллективи яқин давр ичида ўз теплицасига эга бўлади.

— Бир гектар майдонни эгаллайдиган теплицани шу йилнинг биринчи кварталида фойдаланишга топширамиз, — дейди қурувчилар бригадири Н. Архипов. — Буни тез ва соз қуриб битказиш учун барча имкониятларни ишга солярмиз.

Теплицада помидор, бодринг, бошқа хил сабзавотлар ва кўкатлар етиштирилади. Ишчи оқшоналари йил давомида ёз неъматлари билан таъминланади.

Т. ДЎСОНОВ,
жамоатчи мухбир.

КАМ БЎЛМАНГ, ТОШАЛИ

Тошали тандирга ўт қалаганда тонг ёришиб қолай деган эди. У рафиқаси Мастура тайёрлаган зувалаларга кўз югуртирди. Тезроқ бўлиш керак. Кўп ўтмай харидорлар келиб, нон сўрашади. У шуларни ҳаёлидан ўтказар экан тандирдаги оловни баландлатди. Ниҳоят, қизиган тандирга нон ёпилди.

Юзидаги терни артганича у чой ичишга ўтирди. Мана, нонвойхона эшиги очилиб, ичкарига харидорлар кириб келишди.

— Раҳмат, кам бўлманг, Тошали, — дерди харидорлар бўрсилдоқ нонларни олишар экан.

Тошали Фахриддинов бундай миннатдорчиликларни кўп эшитган. Мана, 10 йилдирки, у «Коммунизм» колхозида нонвой бўлиб ишлаётир.

Ҳ. МИРЗАЕВ,
Янгийўл райони.

ГЕМАТОЛОГИЯ МАРКАЗИ

Ўзбекистон гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти коллективи аҳолига медицина хизмати кўрсатишни янада яхшилаш имкониятига эга бўлмоқда: илмий лабораториялар янги бинога кўчиб ўтди, республикада биринчи бўлиб қон касалликларини даволаш ва олдини олишга мўлжалланган 80 ўринли махсус клиника очилди. Клиникада болалар билан бир қаторда уларнинг оналари ҳам ўз саломатликларини тиклашади. Медицина фанлари доктори А. Тўраев раҳбарлигидаги тажрибали олимлар ва юқори малакали врачлар — медицина фанлари кандидати З. Тожиева, О. Шукуралиева, Л. Карашев ҳамда қатор ҳамшираллар беморлар хизматида бўлмоқдалар. Болалар гематологик клиникасида камқонлик, наслий касалликлар ва бошқа ҳасталикларга чалинган болалар даволанадилар.

Яқинда бу ерда лейкоз (оқ қон) касаллигини даволашга мўлжалланган махсус бўлим ҳам очилди.

Институтнинг ўн биринчи беш йиллиқдаги режалаои катта. Бу давр мобайнида 400 ўринли гематологик клиника, 120 ўринли санатория типидаги гематологик интернат ва қон қуйиш станциясини қуриш кўзда тутилган. Бу қурилишлар ниҳоясига етганда Ўрта Осиёда биринчи бўлиб гематологик марказ комплекси вужудга келади.

А. РАҲМАТУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

ОМАДИ КЕЛДИ

Ўтган йил 30 сентябрда 3 процентли заём облигациялари бўйича ўтказилган ютуқлар тиражида энг катта ютуқлардан бири Чиноз район матлубот жамиятининг ходими Умрзоқова чиқди. Ютуқ Қозоқбой аканинг 20 сўмлик 24 номерли 178665 сериядаги бахтли облигациясига тўғри келган эди.

С. НОРХЎЖАЕВ,
Чиноз район «Қизил Октябрь» колхози.

Коммунистик районидаги «Правда» колхозида мактабгача болалар муассасалари қурилишига катта эътибор берилмоқда. Ҳўжаликнинг марказий участкасидаги боғчада кичкинтойларнинг тасвирий санъат билан шуғулланишлари учун барча имкониятлар бор. Суратда мураббий (юқорида) Ким Павлина жажжи рассом Аъзам Мирқаюмовнинг ишини кўздан кечирмоқда. Пастдаги суратда эса тайёрлов группаси кичкинтойлари расм чизишни машқ қилишмоқда.

Е. Ботиров фотолари.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

ОЛИМПИАДА УМИДЛАРИ

Тошкентдаги республика махсус болалар ва ўсмирлар фигурали учиш мактаби олимпиада резервлари мактабига айлантирилди.

Республикамизда спортнинг қишки турларини, хусусан фигурали учиш спортини ривожлантириш мақсадида бундан ўн йил муқаддам мактабимиз ташкил этилганида, айримлар унинг келажагига умидсизлик билан қараган эди. Чунки, мактаб Иттифоқимизнинг энг жанубий нуқтасига жойлашган, шу сабабли барча машғулотларни сунъий шароитларда ўтказилиши тақозо қилинарди.

Биз ана шундай оғир шароитда иш бошладик. Одатда қийинчилик билан бошланган иш яхши самаралар беради. Ўтган йиллар мобайнида 8 СССР спорт мастери, 20 мастерликка номзод, 100 нафардан кўпроқ разрядли спортчилар тайёрладик. Улар Бутуниттифоқ мусобақаларида республикамиз спорт шарафини муносиб ҳимоя қилишяпти.

Масалан, ўтган йили жуфт бўлиб учишда М. Никитюк ва Р. Кадиркаевлар Канадада ўтказилган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида учинчи, СССР кубоги мусобақаларида бешинчи, «Советские профсоюзы» журнали совғини учун ўтказилган турнирда биринчи ўринни эгалладилар. Улар бу йил Рига шаҳрида ССР биринчилигида муваффақиятли иштирок этишди. И. Шишова ва А. Сулаймоновлар ўтган йили СССР чемпионатида олтинчи, мамлакат кубоги мусобақаларида еттинчи, касаба союзлар кўнгилли спорт жамиятлари биринчилигида учинчи бўлдилар. Бу тўрт фигурачимиз СССР ёшлар терма командаси аъзолари сафидан мустаҳкам ўрин олишган.

Шунингдек, ўтган йили спортча рақс бўйича Л. Попова ва О. Брусов, Е. Вороновская ва Р. Собитов, якка рақсларда С. Попов, Р. Ваҳобова, А. Босенко, В. Шатскаялар ҳам муваффақият қозонишди.

Шу кунларда спортчиларимиз СССР халқларининг навбатдаги қишки спартакиадасига қизғин тайёргарлик кўришяпти. Март ойида Красноярск шаҳрида ўтказиладиган бу анъанавий мусобақаларда фигурачиларимиз иккинчи марта иштирок этишади. Бундан тўрт йил аввал бўлиб ўтган спартакиадада вакилларимиз умумкоманда ҳисобида ўн бешинчи ўринни эгаллаган бўлсалар, энди кучли олтиликдан ўрин олишни мўлжалламоқдалар.

Қисқа вақт ичида мактабимизда эришилган ютуқлар мутахассислар эътиборини ўзига жалб қилди. Мактабимиз олимпиадачи спортчилар тайёрлайдиган масканга айлантирилганлиги зиммамизга катта ва масъулиятли вазифалар юклайди.

Олимпиада умидлари... Бу сўзнинг ўзи ҳали қанчадан қанча тадбирларни амалга оширишимиз лозимлигини айтиб турибди. Мактабимиз педагог ва тренерлар коллективи ҳозирданоқ ана шу талаб ва вазифаларни бажаришга киришдилар.

Г. ЖОРЖОЛАДЗЕ,
республика махсус болалар ва ўсмирлар фигурали учиш олимпиада резервлари мактабининг директори.

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

● ФИГУРАЛИ УЧИШ

Рига шаҳрида фигурали учиш бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида ҳам мамлакат чемпионати ниҳоясига етди. Бу турнирда тошкентлик спортчилар муваффақиятли қатнашдилар. Жумладан, СССР спорт мастерлигига номзодлар Марина Никитюк билан Рашид Кадиркаевлар жуфт бўлиб учишда фахрли учинчи ўринни олдилар ва кўксиларига бронза медалини тақишди. Уларнинг командадошлари, СССР мастерлигига номзодлар Ирина Шишова билан Алексей Сулаймоновлар эса кучли олтиликдан ўрин олишди.

● ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

Бугун пойтахтдаги «Ешлик» спорт аренасида енгил атлетика бўйича СССР кубоги учун зона мусобақаларига старт берилади. Биллур соврин учун Қорақалпоғистон Автоном республикаси, барча областлар ва Тошкент шаҳрининг энг кучли спортчилари майдонга чиқадилар. Улар ярим финал мусобақаларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун ўзаро беллашадилар. Мусобақа низомига кўра биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаган командаларга бундай имтиёз берилади.

● СУЗИШ

Тошкентлик спортчи Лариса Белаконь СССР терма командаси сафидан мустаҳкам ўрин олган. Халқаро класседаги спорт мастери ўтган йили бир неча бор муваффақият қозонди. Мамлакат чемпиони бўлди. Европа чемпионатида эса фахрли иккинчи ўринга кўтарилди.

Янги йилни Лариса Белаконь ажойиб муваффақият билан бошлади. У Флорида шаҳрида ўтказилган Америка кубоги мусобақаларида Ватанимиз спорт шарафини ҳимоя қилди. 100 метрга брасс усулида сузишда 1 минут 09,81 секунд натижа кўрсатган ҳамшаҳримиз марраги учинчи бўлиб етиб келди. Спортчининг бу натижаси Бутуниттифоқ рекордига тенгдир.

Редактор ўринбосари
С. МУСАЕВ.

Телевидение

15 ЯНВАРЬ

МТ-I. 9.00 — Время. 9.45 — Концерт. 10.15 — Горнчилар, қаердасиз! 10.45 — Ҳужжатли фильм. 11.15 — Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси. Кўп серияли бадиий фильм. 3-серия. 12.20 — Концерт. 12.35 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Телевизион ҳужжатли фильм. 16.20 — Сен қонунни биласанми? 17.00 — Москва ва москвеликлар. 17.30 — Эртак ҳузурида меҳмонда. «Нозикнихол малика». 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Теннис бўйича Европа биринчилиги. СССР — Австрия терма командалари. 20.00 — Концерт. 20.15 — «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Кўп серияли бадиий фильм. 4-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Балет ҳақида. 23.25 — Дунё воқеалари. 23.40 — Оқшом тароналари.

УзТВ-I. 11.30 — Биология. 12.00 — Болалар учун «Янги йил эртаги». 12.30 — Биология. 13.00 — «Замандаш». 18.05—Мультфильмлар. 18.40 — КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга! 19.00 — Ёшлик студияси кўрсатади. «Биз —80-йиллар комсомоллари». 19.30 — Ахборот. 19.45 — Енгил атлетика бўйича СССР кубогининг зонал турнири. 20.15 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — «Музика истиқболи эгалари». 21.30 — Время. 22.05 — Дунё воқеалари. 22.35 — Телевизион театр. «Улуғбек хазинаси». 3-серия. 23.30 — Кўрсатувлар программаси.

УзТВ-II. 18.10 — Телефильмлар. 19.00 — Физика. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Она тили. 20.50 — Телефильмлар.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/I да Нуҳнинг биринчи куни, 16/I да Нодирабегим, 17/I да Гурунг.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 16/I да Тўйдан олдин томоша, 16/I да Хотинимнинг эри, 17/I да Ёшлинда берган кўнгил.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА —15/I да Сокин тонглар, 16/I да Баланд дорга осилма, 17/I да Отасининг қизи.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари—335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги—325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши—325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик—325733; фан маданият ва олий ўқув юртлари—325553; фотомухбир—325894.

Р. 06025. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64684. А. 1523.